Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чика бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

02 Фермерлар хизматига тайёрмиз

05 Янги авлод вакиллари янги куч, демакдир



07 Наноэҳтиётқорлик

2014 йил 17 апрель, пайшанба, 15 (543)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



## Бешта лойиҳа учун «Ёшлар қаноти» масъул

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросида фаол иштирок этиш ҳамда O'zLiDePнинг Сайловолди платформасида белгилаб олинган вазифаларни амалга ошириш мақсадида партия томонидан 10 та йирик лойиҳа ишлаб чиқилиб, шулардан 5 таси, яъни «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Ёш олимлар ва катта илмий ходим-изланувчилар», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...» лойиҳалари «Ёшлар қаноти» томонидан амалга оширилмоқда. Бундай кўрик-танловлар Сурхондарё вилоятида ҳам партиявий тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиляпти.

3 ▸▸

2014 ЙИЛ – «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

## Болаларга беринг дунёни

Бухорода «Болаларга беринг дунёни!» шиори остида болалар санъат фестивали ўтказилди. Бухоро вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, болалар мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш истеъдодларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Айни пайтда вилоятдаги мусиқа ва санъат мактабларида 2 минг 900 нафардан зиёд ўғил-қиз санъатнинг турли йўналишларида таҳсил олмоқда. Фестивалда ана шу ёшлар вакиллари, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари қошидаги тўгараклар тарбияланувчилари ўз истеъдодини намойиш этишди.

«Кўҳна замин оҳанглари» республика телефестивали иштирокчилари Сано Назаров, Баҳодир Зарипов, шунингдек, Ситора Умарова, Лазиза Низомова, Моҳичеҳра Самиева, Гулчирой Бахшуллаева каби ёш истеъдод эгалари ижросидаги Ватан, истиқлол, ёшлик ва гўзалликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Бугунги тадбирда кўплаб истеъдодли ёшлар вояга етаётганига гувоҳ бўлдим, – дейди таниқли хонанда, «Ниҳол» мукофоти совриндори Юлдуз Турдиева. – Ушбу фестиваль жажжи ижрочиларнинг ўзига хос тақдимотига ҳам айланди.

Тадбир сўнгида фестивалнинг фаол иштирокчилари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М.Эсонов сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

# Фармон янада кенг имтиёз ва имкониятлар берди



ЎзА олган сурат

**Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори O`zLiDeP фаоллари ва электорати томонидан бизнес тузилмалари учун кенг қулайликлар яратган ниҳоятда муҳим ҳужжат сифатида баҳоланмоқда**

2 ▸▸

# Кучли фуқаролик жамияти кучли ҳуқуқий асосларга таянади

ЎЗБЕКИСТОНДА «КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ИЗЧИЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИЖОБИЙ ИШЛАР ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ҲАМ ЮКСАК БАҲОЛАНМОҚДА

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партиянинг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган илмий-амалий семинар иштирокчилари ана шундай фикр билдирдилар.

– Бутун дунё миқёсида тан олинган тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини бугун ҳар бир юртдошимиз ўз турмуш даражаси яхшиланиб бораётганида яққол ҳис этмоқда, – деди тадбирда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев. – Эътиборли томони шундаки, бу муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб эътироф этиляпти. Бундай ютуқ ва марраларга авваламбор Конституциямизда муҳрлаб қўйилган муҳим қоидалар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлаётир.

Шу ўринда Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси асосида парламент муҳокамасига киритилган ва Олий Мажлиснинг ҳар икки палатасида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддалари)»ги қонун кучли фуқаролик жамияти учун кучли ҳуқуқий асослар яратганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу қонун давлат органлари фаолияти устидан фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик институтлари томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилгани алоҳида қайд этилди.

3 ▸▸

МУЛОҚОТ

## Тадбиркор ва ишбилармонлар, қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқлари кафолатланган

**Юртбошимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш мақсадида «XXI ASR» газетаси ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги «Очиқ мулоқот»да Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов тадбиркор ва ишбилармонларнинг саволларига жавоб қайтарди.**




Маълумки, Савдо-саноат палатасининг фаолият бошлаганига ҳадемай 10 йил тўлади. Мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган синф — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлашга сафарбар этилган мазкур тузилмага ўтган давр мобайнида қарийб 25 минг тадбиркорлик субъекти аъзо бўлди. Айни пайтда палатанинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларида ҳудудий бошқармалар, туман ва шаҳар бўлимлари фаолият олиб бормоқда. Йигирмадан зиёд мамлакатда ўз ваколатхоналари ишини йўлга қўйган палата қошидаги ҳакамлик судлари ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатини изчил ҳимоя қиляпти.

4 ▸▸

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида бу йил янада кўламли ишлар амалга оширилади. Жумладан, 2014 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига биноан 137 та тиббиёт объекти бунёд этилади ва мавжудлари реконструкция қилинади.**



Анвар АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири

3 ▸▸

БАНК ТИЗИМИ

Бутун дунёда эътироф этилаётган тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда барқарор ва мустаҳкам банк тизими яратилди.




6 ▸▸

**БУГУНГИ СОНДА:**

6 ▸ **2014** йилнинг **18** апрелида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида ўтказиладиган навбатдаги «Очиқ мулоқот»да тадбиркор ва фермерларнинг саволларига «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси Абдиваҳоб Тамикаев жавоб қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 15 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2134,79 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3802,00 |
| 1 Дания кронаси | 421,72 |
| 1 БАА дирҳами | 618,57 |
| 1 АҚШ доллари | 2272,02 |
| 1 Миср фунти | 325,74 |
| 1 Исландия кронаси | 20,37 |
| 1 Канада доллари | 2069,23 |
| 1 Хитой юани | 365,79 |
| 1 Малайзия ринггити | 699,84 |
| 1 Польша злотийси | 751,63 |
| 1 СДР | 3527,61 |
| 1 Туркия лираси | 1073,07 |
| 1 Швейцария франки | 2592,15 |
| 1 ЕВРО | 3128,12 |
| 10 Жанубий Корея вони | 21,88 |
| 10 Япония иенаси | 223,76 |
| 1 Россия рубли | 63,78 |
| 1 Украина гривнаси | 180,76 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

«XXI ASR» 15 (543)-сон, 2014 йил 17 апрель, пайшанба, web sayt: www.21asr.uz

# Муносабат

Президентимиз фармонига кўра 2014 йилнинг 1 июнидан бошлаб давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларига тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масаласини тартибга соладиган, уларнинг расмий веб-саҳифаларида эълон қилинмаган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар талаблари бузилиши бўйича жавобгарлик чоралари қўллаш ман этилди.

## Фармон янада кенг имтиёз ва имкониятлар берди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄



**Бурхон АҲМЕДЖОНОВ, «DICOM SERVIS» МЧЖ раҳбари, O`zLiDeP Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси:**

— Энг аввало, ушбу фармон ва қарор асосида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, барқарор ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга нисбатан қўйилган мораторий муддати 2017 йилнинг 1 январига қадар узайтирилиши O`zLiDeP электорати вакилларининг туб манфаатларига хизмат қилишини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, ушбу мораторий 2011 йилда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижроси доирасида жорий этилганди. Бундай имтиёзнинг уч йилга узайтирилиши мамлакатимизда нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, балки юртимизда иқтисодий муносабатларни либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг тизимлилиги ва босқичма-босқичлик тамойиллари асосига қурилганини кўрсатди. Шу ўринда ана шу ҳужжатлар асосида 2015 йилдан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектлари статистик ҳисоботларни йилда бир марта тақдим қилишини ҳам қайд этиш керак.



**Азиз ПИРНАЗАРОВ, O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири:**

— Давлатимиз раҳбари фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда 2014 йилнинг 1 октябридан бошлаб Интерактив давлат хизматлари порталида «тадбиркорлик субъектининг кабинети»ини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилгани айни муддао бўлди. Унда, жумладан, молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш, лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни кўриб чиқишда тўланадиган йиғимларни ва давлат божларини интернет-банкинг тизими орқали амалга ошириш назарда тутилган.

Халқ депутатлари вилоятлар кенгашлари йиғилишларида туман (шаҳар) ҳокимларининг тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботларини эшитиш орқали назорат қилувчи органлар ходимларининг текширувларни ўтказишда қонунчиликка риоя қилиш бўйича масъулиятини ошириш ҳам мазкур фармонда белгилаб қўйилди.

Демак, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳи мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини электоратга етказиши ва тушунтириши, улар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиши лозим. Чунки улар ишбилармонлар учун қулай инвестициявий муҳит яратиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш асосида тадбиркорларга янада кенгроқ эркинлик бериш орқали янги иш ўринлари яратиш ва хусусий секторда аҳоли бандлигини оширишга қаратилгандир. Бу эса O`zLiDePнинг Сайловолди платформасидан ўрин олган муҳим вазифаларни бажаришда ҳуқуқий ечим бўлиб хизмат қилади.



**Зилолахон СОБИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:**

— Президентимиз фармонига асосан хўжалик субъектлари солиқ, молия ҳисоботлари тақдим этмаса ва кўрсатилган манзилда мавжуд бўлмаса, давлат солиқ хизмати органлари фақат суд қарорига кўра унинг тижорат банкларидаги ҳисоблари бўйича операцияларни тўхтатиши мумкинлиги белгилангани мамлакатимизда иқтисодий муносабатларни либераллаштириш йўлидан қатъий бораётганига яна бир мисолдир. Чунки бунгача солиқ тўловчининг банклардаги ҳисоблари бўйича операцияларни тўхтатиш солиқ тўловчи солиқ ёки молия ҳисоботларини уни тақдим этиш учун белгиланган муддат тугагандан сўнг 15 кун ичида тақдим этмаган тақдирда солиқ органлари қарори асосида амалга оширилар эди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва Адлия вазирлигига давлат органларининг тадбиркорлар билан муносабатлар ўрнатиш воситаси бўлган расмий веб-сайтлар юритилишини назорат қилиш юклатилгани эса Ўзбекистонда АКТнинг замонавий ютуқларини жорий этиш масаласига комплекс ёндашилаётганидан далолатдир. Шунингдек, тадбиркорлар мурожаатларини тез ва сифатли кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасида идоралараро махсус ишчи гуруҳ тузилиши ҳамда унга бизнес вакилларидан Давлат хизматлари ягона портали орқали келиб тушаётган мурожаатларни қуйи органларга қайта жўнатмасдан кўриб чиқиш вазифаси юклатилгани ҳам тадбиркорлар мушкулини осон қилиш, турли ташкилотларда қимматли вақтларини йўқотишларининг олдини олиб, пировардида шикоят ва аризаларнинг идоралараро бесамар ҳаракатланишига барҳам беради, деб ўйлайман.

***2015 йилдан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан статистик ҳисоботлар бир йилда бир марта топширилади.***



**Нуриддин МУРОТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:**

— Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари якунлари ҳам электоратимиз вакилларининг ахборот-коммуникация технологияларининг ҳаётимизга тизимли равишда жорий этилишидан манфаатдор эканликларини кўрсатди. Чунки ҳисоботларни топширишга бундай ёндашув кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги айрим тўсиқ ва ғовларнинг бартараф этилишига ёрдам беради.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига кўра 2014 йилнинг 1 июнидан бошлаб давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органларига тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган, уларнинг расмий веб-саҳифаларида эълон қилинмаган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар талаблари бузилиши бўйича жавобгарлик чоралари қўллаш ман этилди. Хуллас, энди тадбиркорлик субъектлари эълон қилинмаган ҳужжатлар талаблари бузилиши бўйича жавобгар бўлмайди. Бу эса маҳаллий ижроия органлари ишининг очиқлигини янада оширишга хизмат қилади.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнларини оғирлаштириш ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбурият чоралари белгилашни кўзда тутувчи ҳуқуқий ҳужжатлар улар расман эълон қилингандан камида 3 ой кейин амалга киритилиши мумкинлигига эътибор қаратайлик. Бу тартиб ҳам O`zLiDeP электорати манфаатларига мос келади. Чунки энди тадбиркорлик фаолиятини қайта мослаштириш ва ўзининг ҳуқуқий мажбуриятларини бузмаслик учун муддат пайдо бўлади.

**Озод РАЖАБОВ тайёрлади.**

## «Амир Темур авлодлари» жамоаси ғолиб

Нукусда умумтаълим мактаблари ўртасида «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 5 та жамоа ўзаро баҳслашди.

Танлов шартлари бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган Нукус шаҳридаги 31-умумтаълим мактабининг «Амур Темур авлодлари» жамоаси бош совринни қўлга киритди. Биринчи ўрин Хўжайли туманидаги 71-, иккинчи ва учинчи ўринлар Беруний туманидаги 30- ҳамда Чимбой туманидаги 37-умумтаълим мактаблари жамоаларига насиб этди.

Ёшларнинг миллий маданиятимиз, тарихимиз, маънавиятимиз ҳақидаги билимини бойитишга кўмаклашувчи бу тадбирнинг шаҳар ва туман босқичларида 3 минг 300 дан зиёд ўқувчи иштирок этди. Улар ўзлари яшаб турган ҳудуд тарихи, урф-одатлари ҳақидаги билимини намоён этиш билан бирга, таҳсил олаётган ўқув даргоҳида яратилган кенг шароитлар тўғрисида маълумотлар бердилар. «Тарих жонланганда» деб номланган шартга кўра, муҳим тарихий воқеалар ҳақида саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

Ғолиб жамоалар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.**

↘ ҚИШЛОҚДАГИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

## Фермерлар хизматига тайёрмиз

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАК ТАРКИБИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА ЯНА 99 ТА МАХСУС ДЎКОН ВА ШОХОБЧАЛАР ОЧИЛАДИ

Маълумотларга кўра, айни пайтгача кўрилган чора-тадбирлар натижасида жойларда минерал ўғитларни сақлаш сиғимлари кўпайтирилиб, 2 млн. тоннага етказилган. Бу эса фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжлари учун пахта, ғалла ва бошқа экинларни етиштириш учун талаб этиладиган ўғитларни узлуксиз етказиб бериш имконини яратади.

«Ўзкимёсаноат» ДАК мутасаддилари билан журналистлар ўртасида Миллий матбуот марказида ўтказилган навбатдаги мулоқотда ана шу маълумотлар қайд этилди. Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда тизимдаги корхоналар томонидан деҳқон ва фермерларга асосан уч турдаги минерал ўғитлар етказиб беriляпти. Жумладан, учта корхона, яъни «Навоийазот», «Максам-Чирчиқ» ва «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятларида йилига 950 минг тоннадан ортиқроқ азотли ўғит ишлаб чиқарилаётган бўлса, «Аммофос-Максам», «Қўқон суперфосфат заводи» ва «Самарқандкимё» ОАЖларида йилига 160 минг тонна фосфорли ўғит тайёрланмоқда. «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» унитар корхонаси эса йилига 130 минг тонна калийли минерал ўғит ишлаб чиқариш имкониятига эга. Эътиборлиси, мазкур корхоналар республикадаги истеъмолчилар эҳтиёжини қондиришдан ташқари ўз маҳсулотларини экспортга ҳам чиқармоқдалар.

Анжуманда, шунингдек, вилоятларда «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятлари тизимида деҳқон хўжаликлари учун минерал ўғитлар савдосини ташкил этадиган 14 та махсус база фаолият кўрсатаётгани ҳам таъкидланди.

**Р.МАДИЕВА.**

↘ ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

## Соғлом бола — миллат келажаги

Урганчда соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Хоразм вилояти ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят адлия бошқармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таълим муассасалари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, имом-хатиблар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Юсупов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларни эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

— Барчамизнинг умумий уйимиз бўлган Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик халқимизнинг энг катта ютуғидир, – дейди вилоят рус миллий маданият маркази раиси Венера Салунина. – Жамиятимиздаги меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойилини аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбига сингдириш, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одатларини ривожлантириш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш асосий вазифамиздир.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб, ягона Ватанимиз бўлган Ўзбекистон тараққиёти йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, қизиқиш ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, ўзига хос маданияти, дини, урф-одат ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Айни пайтда вилоятда рус тилида ўн битта, қозоқ ва туркман тилларида иккитадан умумтаълим мактаби фаолият юритмоқда. Бир неча тилда газета-журналлар чоп этилиб, радио ва теледастурлар эфирга узатилаётир.

Тадбир доирасида намойиш этилган «Биз – бир оила фарзандларимиз» кўргазмаси ва «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» ҳужжатли фильми иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар иштирокидаги «Биз сенинг фарзандларингмиз, Ўзбекистон!» концерт дастури тадбир қатнашчиларига кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими П.Бобожонов сўзга чиқди.

**А.ШОКИРОВ, ЎзА мухбири.**

↘ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ХАБАРЛАРИ

**САМАРҚАНД.** Каттақўрғон шаҳрида ташкил этилган учрашув мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш борасида яратилган шарт-шароитлар ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланди.

— Аёллар фаоллигини кучайтирувчи омиллардан бири уларнинг меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратишдир, — деди O`zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Марҳабо Чўлиева. — Тадбирда ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларидаги ихтисослашув опа-сингилларимиз учун қўшимча иш ўринлари яратишига асос бўлаётир. Аҳамиятлиси, бунинг натижасида аёллар ўз уйларидан узоқ бўлмаган ишхоналарда меҳнат фаолиятини олиб бориш, оилага қўшимча маблағ келтириш имконига эга бўлаяптилар.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, келажак авлод тарбиячиси саналган хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга янада кенгроқ жалб этиш юзасидан муҳим таклифлар ўртага ташланди.

**ЖИЗЗАХ.** O`zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Арнасой туманида «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида давра суҳбати ташкил этилди.

«Соғлом бола — соғлом ва аҳил оила меваси» мавзуидаги ушбу тадбирда аёллар мавқеини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, миллат генофондини асраш, хотин-қизлар ўртасида истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш масалалари юзасидан фикр юритилди.

— Аёлга меҳр-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир, — деди партия вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Наргиза Мавлонова. — Истиқлол йилларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида бу борадаги эзгу анъана ва урф-одатларимиз янгича маъно ва мазмун билан бойиди. Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳаётга татбиқ қилинаётганлиги ҳудудда бу жабҳадаги ишларни янги босқичга кўтариш учун мустаҳкам замин яратаётир. Жумладан, туғруқ муассасаларининг моддий-техник базаси янада яхшиланяпти, бўлғуси оналарнинг саломатлигини мунтазам назорат қилувчи ҳамда соғлом болалар туғилишига кўмаклашувчи скрининг марказлари фаолияти сифат жиҳатдан такомиллаштириляпти.

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Кўп ишларга уларни амалга ошириш бизга қийинчилик туғдиргани учун қўл уришга қўрқамиз. Аммо бу юмушлар уларга қўл уришга қўрққанимиз учунгина бизга қийиндек туюлишини билмаймиз».**

Сенека.

ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ БУТУН ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА, ПАРТИЯМИЗ ЭЛЕКТОРАТИ ТОМОНИДАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ҲАМДА РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИГА КИРИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН УЛКАН МАҚСАДЛАРИМИЗ ЙЎЛИДАГИ НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ СИФАТИДА БАҲОЛАНМОҚДА.

# Қонунчилик








## Кучли фуқаролик жамияти кучли ҳуқуқий асосларга таянади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Озод РАЖАБОВ,**
«XXI asr»

Шунинг учун ҳам ушбу ташаббус бутун халқимиз, айниқса, партиямиз электорати томонидан демократик ўзгаришларнинг янги босқичи ҳамда ривожланган давлатлар қаторига кириш юзасидан белгилаб олинган улкан мақсадларимиз йўлидаги навбатдаги муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиздаги ННТлар сони 2000 йилга нисбатан қарийб 3,3 баробарга ошгани, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса 10 мингдан зиёдни ташкил этаётгани эса бу борадаги ишларнинг изчиллиги ва амалий натижаларидан далолатдир.

«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида бу соҳада қарийб 10 та қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жойларда ижтимоий дастурларни амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунлар ҳам сиёсий партиялар, ННТ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жойлардаги вакиллик ҳокимиятининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролини сезиларли даражада оширди.

– Бугун муҳокама этилаётган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам ушбу мақсадларга қаратилган, – деди тадбирда O`zLiDeP фракцияси аъзоси Адҳам Шодмонов. – Мазкур қонун лойиҳаси ННТ ва давлат тузилмаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўзаро ҳамкорлик доирасини аниқ белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни назарда тутади. Уни ишлаб чиқиш жараёнида ижтимоий шериклик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти чуқур таҳлил қилиниб, хорижий тажриба атрофлича ўрганилганини қайд этиш жоиз.

O`zLiDeP ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази вакили Алишер Маҳкамовнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳасида ижтимоий шерикликнинг асосий соҳаларидан бири сифатида аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш масалалари кўрсатиб ўтилгани кўпчилик мутахассислар эътиборини тортяпти. Зотан, бугун мамлакатимиздаги ННТларнинг 20 фоиздан зиёди айнан шу тармоқда фаолият кўрсатаётир.

Илмий-амалий семинарда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг жойларда ижтимоий аҳамиятга эга масалаларини ҳал этишда ижтимоий шерикликни рағбатлантириш борасидаги фаолияти хусусида ҳам кенг маълумотлар берилди. Жумладан, 2013 йилда 300 дан зиёд ННТ мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга қаратилган давлат дастурлари ижросини таъминлашда фаол иштирок этган. Бу эса 2011 йилдагига нисбатан икки баробарга кўпдир. Жамоат фонди томонидан муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш борасида ўтказилаётган танловлар натижалари бўйича ННТлар сони 2 баробар, грант танловлари ғолиби бўлган ҳудудий ННТлар сони эса 2,2 баробарга ўсган.

*Мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотлар сони 2000 йилга нисбатан қарийб 3,3 баробарга ошди.*

Экспертларнинг фикрича, жойлардаги вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишидаги роли ва масъулиятини янада ошириш мақсадида қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссияларини тузиш кўзда тутилган.

Бунда комиссиялар зиммасига ННТларнинг давлат органлари билан ҳамкорлигини чуқурлаштириш, ижтимоий шерикликнинг устувор йўналишларини белгилаш, ННТларнинг ижтимоий аҳамиятга эга дастур ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ҳажмини белгилаш ва тегишли аризаларни Парламент комиссиясига юбориш вазифалари юклатилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши муҳим қарорларни тасдиқлашда фуқаролик институтларининг иштирокини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ишларга кенг жалб қилинишида қўшимча қонунчилик кафолатларини яратади. Муҳими, мазкур қонун лойиҳаси фуқаролик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган аниқ механизмларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлайди.

### Ёш ишбилармонларнинг илғор ғоялари

**Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида «Менинг бизнес ғоям» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг имконият ва салоҳиятини юзага чиқариш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир. Иқтидорли ёшларни муносиб рағбатлантириш, уларнинг турли лойиҳа ва ташаббусларини амалиётга жорий этишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган мазкур анъанавий танлов ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битираётган ўқувчилар ўртасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга кенг имкониятлар яратишга хизмат қилаётган танловнинг вилоят босқичида 76 нафар истиқболли лойиҳа ва ғоя ташаббускорлари иштирок этди. 10 нафар ёш тадбиркорнинг бизнес режаси маъқулланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди. Ғолибларга имтиёзли кредитлар олиш имконини берувчи махсус сертификат ва дипломлар топширилди.

– Стоматология соҳаси учун сунъий оқ тишлар ишлаб чиқариш бўйича тузган бизнес ғоям қўллаб-қувватланганидан хурсандман, – дейди Зарафшон тиббиёт коллежи битирувчиси Акбар Раҳмонов. – Президентимиз раҳнамолигида ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ушбу йўналишда янги лойиҳалар устида иш олиб боришни режалаштирмоқдаман.

Танлов доирасида тижорат банклари, солиқ идоралари ва бошқа ташкилотлар мутахассислари иштирокида турли семинарлар ташкил этилди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлашда зарур бўладиган ҳуқуқий ва молиявий тушунчалар, бизнес режа тузиш, маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш, бозорни ўрганиш талаблари каби мавзуларга оид маълумотлар берилди.

**Н.РАҲИМОВ, ЎзА мухбири.**

## 137 та тиббиёт объекти бунёд этилади ва ...

2005 ЙИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА МУТЛАҚО СОҒЛОМ БОЛАЛАР КЎРСАТКИЧИ 52,7 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, ЎТГАН ЙИЛИ БУ РАҚАМ 63 ФОИЗДАН ОШДИ. БОЛАЛАРНИНГ 92 ФОИЗИ ЭСА РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ СТАНДАРТЛАРИГА ТЎЛА ЖАВОБ БЕРАДИ

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»



Солих ЗОИР олган сурат

«Соғлом бола йили»да оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги устувор масалалар: амалиёт, тажриба ва истиқболдаги вазифалар» мавзуидаги матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов томонидан ана шу рақамлар тилга олинди.

Савол-жавоблар асосида ташкил этилган тадбирда мустақиллик йиллари тизимда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ва мукаммал тизими яратилгани эътироф этилиб, «Соғлом она — соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида жаҳон стандартлари даражасидаги скрининг ва перинатал марказлари ва уларнинг вилоятлардаги филиаллари иш бошлагани таъкидланди. Оналик ва болаликни муҳофазалаш мақсадида дунё тажрибасида илк бор юртимизда ҳомиладор аёлларни таркибида инсон ҳаёти ва саломатлиги учун зарур бўлган микроэлементларга бой поливитаминлар билан таъминлаш амалиёти қўлланилиб, бу жараён йилдан-йилга такомиллашиб бораётир.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатимизда оналар ўлими 3,1, гўдаклар ўлими эса 3,2 баробар камайди.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида бу йил янада кўламли ишлар амалга оширилади, — деди А.Алимов. — Жумладан, 2014 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига биноан 137 та тиббиёт объекти бунёд этилади ва мавжудлари реконструкция қилинади. Республикамизнинг энг чекка ҳудудлари аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш янада яхшиланади. Шунингдек, республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, вилоятлар кўп тармоқли болалар тиббий марказлари, 62 та туман тиббиёт бирлашмаси ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилади ҳамда энг янги талаблар асосида таъмирланади. Уларнинг барчаси замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланиб, дунё стандартлари даражасидаги ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилади.

Тадбир якунида соҳа мутасаддилари ечимини кутаётган муаммолар ва амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

## Бешта лойиҳа учун «Ёшлар қаноти» масъул

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Шухрат РАҲИМОВ,**
«XXI asr»

Мисол учун, ўтган йили «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида 745 нафар битирувчи талабадан 65 нафарининг бизнес-режаси учун тижорат банкларининг 589 млн. 500 минг сўмлик имтиёзли кредити йўналтирилган бўлса, яна 20 нафарига жами 183 млн. 800 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилган эди. Айни пайтгача мазкур лойиҳанинг туман (шаҳар) босқичлари иштирокчиларининг 100 нафарига вилоят миқёсида беллашиш учун йўлланмалар берилди.

O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Дилрабо Раҳмонованинг маълум қилишича, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Марказий банк ва қатор тижорат банклари, шунингдек, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-семинарларда малакали мутахассислар томонидан «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари», «Суғурта – тадбиркорлик кафолати», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш масалалари», «Солиқларни унутманг», «Бизнес ғоя танлаш ва бизнес-режа ишлаб чиқиш», «Гаров таъминотининг турлари ҳамда гаров ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари» мавзуларида лойиҳа иштирокчиларга зарур тавсиялар берилди.

– Бундай лойиҳалар биз — ёшларга тадбиркорлик фаолиятимизни бошлаш учун кенг имкониятлар яратмоқда, – дейди O`zLiDeP Термиз шаҳар кенгаши фаоли Баҳодир Қодиров. – Тадбиркорликка лаёқати бор, бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган ёшлар ўқув-курсларида тажрибали амалиётчилар ҳамда профессионал экспертлар кўмагида муайян кўникмага эга бўлаётгани айни муддаодир. Мен боғдорчилик йўналишидаги бизнес-режам билан қатнашиб, 9 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олгандим. Ҳозирги кунда 8 сотих ердаги экинлардан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эвазига 17 млн. сўмгача фойда олишни кўзлаб турибман.

Шўрчи туманидаги Агросаноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Фахриддин Назаров ҳам ушбу лойиҳада муносиб иштирок этиб, хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшлардан бири.

– Бизнес-режамга кўра туманимизда блок-ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйяпман. Лойиҳам ташкилий қўмита аъзоларига маъқул келганидан кейин банкнинг 30 млн. сўмлик имтиёзли кредити билан молиялаштирилди, – дейди у. – Бу жараён партия назоратида эканидан мамнунман.

Дарҳақиқат, партиявий лойиҳалар самараси ўлароқ сурхондарёлик ёшларда бизнес кўникмалари ҳосил қилинмоқда, иқтисодий ривожланишнинг янги, илғор усулларини тезда ўзлаштириш лаёқати шаклланяпти. Бу эса O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифалар сирасига киради, албатта.



# Тадбиркор ва ишбилармонлар, қишлоқ мулкдорларининг ҳуқуқлари кафолатланган

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов O`zLiDeP ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан мулоқотга йўлланган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинишини таъкидлади.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, палатанинг Тошкент шаҳар ҳамда пойтахт вилоят бошқармалари мутасаддилари ҳам иштирок этган «Очиқ мулоқот» аввалида журналистларга ана шундай маълумотлар берилди.

Савол-жавоблар жараёнида асосий эътибор мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида хусусий сектор вакиллари учун яратилган қулай шароит, Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари, парламент томонидан қабул қилинган қонунлар асосида берилган имтиёз ва имкониятлардан янада самарали фойдаланиш масалаларига қаратилди.

— 2013 йилда тадбиркорлик субъектлари сони 26 мингтага кўпайгани, 22 мингга яқин фермер хўжалиги эса кўп тармоқли хўжаликларга айлантирилгани ҳам ушбу соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани натижасидир, — деди А.Шайхов. — Айниқса, давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари бу жараёнларни бутунлай янги босқичга кўтарди.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани жадал ривожлантиришга халал бераётган ҳолатлар мавжудлигидан ҳам кўз юммаслик керак. Бу эса амалдаги қонунларда белгилаб берилаётган ҳуқуқий кафолатлар хусусида жойларга етарли ахборот ва маълумотлар етиб бориши, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Палата раисига йўлланган аксарият саволлар ҳам шундан далолат берди, дейиш мумкин. Муайян тажрибага эга бўлган, амалдаги қонунчиликдан яхши хабардор бўлган тадбиркорлар мурожаатида эса, аксинча, кўпроқ бизнесни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди.

— Тадбиркорларнинг йирик корхоналар билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйишлари, улардан хом ашё сотиб олишда ҳам хусусий сектор эгаларига кенг имтиёзлар берилмоқда. Бу жараёнлар амалдаги қонунлар билан янада мустаҳкамланаётир. Аммо айрим корхона ва ташкилот раҳбарларининг хусусий секторни қўллаб-қувватлаш масаласига талаб даражасида эътибор қаратмаётганлари натижасида шундай ҳолатлар ҳам учрамоқда, — деди Алишер Шайхов. — Шунинг учун ҳам ушбу масалалар чуқур ўрганиб, ижобий ҳал этилишига палата мутахассислари доимий эътибор қаратмоқдалар.

Тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини тўла билмасликлари эса юқоридагидек ҳолатларни келтириб чиқараётган асосий сабабдир. Шунинг учун ҳам ишбилармон юртдошларимизга палата ва унинг жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни тавсия этган бўлардим. Чунки палата тадбиркорлар олдида турган масалаларни ижобий ҳал этиш, улар манфаатини кўзлаб судларга даъво аризалари бериш каби кенг ҳуқуқ ва ваколатларга эга.

А.Шайховнинг фикрича, мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармон манфаатини ҳимоя қилишда нодавлат ташкилотлари ҳам фаол иш олиб бормоқдалар.

«Очиқ мулоқот» давомида Фарғона вилоятидаги «Фарсамина» хусусий корхонаси раҳбари Гулбаҳор Турдиева, «Булунғур Санвик» корхонаси раҳбари Носир Юсупов, шаҳрисабзлик якка тартибдаги тадбиркор Тошкан Тошев палата раиси А.Шайховга ўзларини қизиқтираётган саволлар билан мурожаат қилишди.

Хусусан, салкам икки соат давом этган мулоқот чоғида «Қувасойполиграфсервис» МЧЖ раҳбари Дилором Меҳмонова ўз маҳсулотларини хорижда ўтказилаётган кўргазмаларда намойиш этишда палата кўмагига муҳтож эканини билдирди.

«Б.А.Н.Т» оилавий корхонаси раҳбари Бегзод Абдуллаев эса хорижий тажрибани ўрганиш учун ССП қандай амалий ёрдам бериши мумкинлиги билан қизиқди.

Фарғоналик фермер Абдухалил Болтабоев эса Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловида «Энг кўп маҳсулот экспорт қилган тадбиркор» номинациясини киритиш таклифини билдирди.

Юнусободлик тадбиркор А.Авазов эса Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарори билан Ж.Обидова кўчасида савдо, маиший хизмат ва қаҳвахона мажмуаларини қуриш учун ажратилган ер майдонида қурилиш ишлари олиб боришга айрим ташкилотлар сунъий тарзда қаршилик кўрсатаётганини таъкидлаб, ушбу масала ижроси қонуний ҳал этилишини палата мутахассислари назоратга олишларини сўради.

«Очиқ мулоқот» чоғида деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиш, бу борада қандай ташкилотларга мурожаат қилиш борасида ҳам кўплаб саволлар тушди. Уларга ССП Тошкент вилоят бошқармасининг бошлиғи Файзулла Маманов атрофлича жавоб қайтарди.

— Бу масалада ҳам мутахассисларимиз маҳсулот тури ва бозор талабларини ўрганиб, тегишли тавсиялар беришлари мумкин, деди Ф.Маманов. — Худди шундай мурожаатлар асосида 2013 йили бошқармамиз томонидан вилоят фермерларига 28 млн. сўмлик маҳсулотларни экспорт қилишга ёрдам берилди.

Мулоқотда тадбиркорлик фаолиятига оид қонунларнинг айримлари бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани боис янги қонунлар яратиш эҳтиёжи мавжудлиги ҳақида ҳам бир қатор таклифлар билдирилди.

— Шиддаткор давр ўртага қўяётган талаблар асосида қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши табиий ҳол, албатта, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Қобилжон Тошматов. — Шу боис парламент қуйи палатаси, жумладан, O`zLiDeP фракцияси аъзолари тадбиркорлик фаолиятига оид қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини қабул қилишда фаол иштирок этмоқдалар. Ушбу йўналишдаги аксарият ташаббуслар бевосита фракциямиз аъзолари томонидан кўрсатилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Айни пайтда Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб бир қатор янги қонунлар тайёрланяпти, бир қанча қонунларга эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритиляпти. Тадбиркорлик субъектларини янада кенгроқ қўллаб-қувватлашга қаратилган банк-молия муассасалари фаолиятига оид қонунлар ҳам шулар жумласидандир.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов O`zLiDeP ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан мулоқотга йўлланган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинишини қайд этди. Шунингдек, тадбирда бугунгидек мулоқотлар ўтказиш яхши анъанага айлангани, уни изчил давом эттириш лозимлиги хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

*Т.АБДУРАҲМОНОВ, А.МУРОДОВ тайёрлади.*

# Соғлом бола — соғлом оила меваси

## Қашқадарёда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда O`zLiDeP «Аёллар қаноти» аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқдалар

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»



— Президентимизнинг Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантаналардаги маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалар барча ҳудудларда бўлганидек, вилоятимизда ҳам партиядошларимиз зиммасига жуда катта масъулият юклади, — дейди O`zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Исмигул Хушмуродова. — Айни пайтда фаоллар, депутатлар билан мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали педагоглар билан таъминлаш, бошланғич таълим сифатини юксалтириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, айниқса, қиз болаларда жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширяпмиз. Оилавий спортни ривожлантириш мақсадида эса «Аёллар спорт фестивали», «Гимнастика — барча учун», «Соғлом оила» мусобақалари, «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида тадбирлар ташкил қилиняпти. Мактаб, коллеж, лицей, маҳалла гузарларидаги мавжуд спорт иншоотларида ҳам оилавий спорт тўгараклари очилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросига Қашқадарёда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, 2014 йилда вилоят ҳудудий дастурига асосан шаҳар ва туманларда 19 та кичик ўйингоҳ, 11 та болалар спорти объекти барпо этилади. Кўмакка муҳтож оила фарзандлари бўлган 25200 нафар қиз болага спорт кийимлари бериш, 3 та мусиқа ва санъат мактаби қуриш, 1 та санъат мактабини капитал таъмирлаш кўзда тутилган.

Намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ ҳудудларида бунёд этиладиган 1172 та уй ёш оилаларни замонавий турар-жой билан таъминлаш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда эса маҳаллаларда «Ногиронлар туғилиши, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш», «Ҳаёт соғлом болалар билан гулгун» каби ўнлаб мавзуда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Бунда асосий эътибор оилада ахлоқий ва маънавий қадриятларни шакллантириш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, оиланинг ижтимоий-психологик муаммолари, эрта никоҳ ва ажримларнинг олдини олиш масалаларига қаратилаётир.

— Жорий йилда 10 та замонавий оилавий поликлиника ишга туширилади, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Рустам Йўлдошев. — «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида «Болаларга стационар ёрдам кўрсатиш» бўйича 143 нафар педиатр-врач ўқитилиб, болалик ва оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган «Соғлом она — соғлом бола» махсус чора-тадбирлари доирасида турли касалликлар тарқалишини олдини олиш учун жойларда семинар-тренинглар ўтказяпмиз.

Шу ўринда Қарши, Ғузор, Яккабоғ туманларида 150 қатновли янги кўп тармоқли марказий поликлиника биноси қурилишига киришилган бўлса, туманлардаги шифохоналар, даволаш корпуслари мукаммал таъмирдан чиқарилаётганини таъкидлаш жоиз. Онкология диспансерида таъмирлаш ишлари тугатилгандан кейин бу ерга Голландиянинг компьютер-томограф аппарати ва ультратовуш сканери ўрнатилади.

Тиббиёт олий таълим муассасалари, вилоятдаги даволаш-профилактика муассасаларининг етакчи тиббиёт мутахассислари иштирокида жойларда ҳар ойда «Фертиль ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳафталиги», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида чекка ҳудудлардаги аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилган.

— Ҳудудий дастурда белгиланган вазифалар ижросини назорат қилишга барча бўғиндаги депутатларимиз жалб этилган, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Дилшод Турсунов. – Шу ўринда ушбу дастурда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Аҳоли, айниқса, ёш оилаларни кичик бизнесга жалб этиш, уларга молиявий ресурсларни тўғри тақсимлаш қоидаларини ўргатиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитлар ва грантлар олишга кўмаклашиш мақсадида чекка ҳудудларда ҳам давра суҳбатлари ташкил этяпмиз. Маҳаллаларда хизмат кўрсатиш (сартарошхона, тикувчилик цехи, пойабзал таъмирлаш, маиший ва ташкилий техникани таъмирлаш) тизимини ривожлантириш орқали иш ўринлари яратиш диққат марказида турибди. Шу ўринда 200 нафар фермер ва тадбиркор аёлнинг бизнес бўйича малакасини оширишга қаратилган тренинглар ташкил қилиш ҳам режага киритилганини айтиш мумкин. Қарши шаҳри ва туманлар марказларида фаолият кўрсатаётган ўқув марказларида ҳар бир маҳалладан 10 нафардан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ҳунар ўргатилиб, бандлиги таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, 356,7 млрд. сўм маблағ йўналтирилаётган дастур воҳа иқтисодиётини юксалтириш баробарида аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қиляпти.

↘ САНОАТ

## Тўққиз триллионга яқин

Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган дастурга асосан ҳудудда 2015 йилда жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8 триллион 825 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур дастур доирасида вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида умумий қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларилик 301 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 11 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Аввал хабар қилганимиздек, ана шу муҳим қарор асосида 2013 йили умумий қиймати 263,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 188 та лойиҳа ишга туширилди. Жорий йилда эса 94 та лойиҳага киришилди. Бундан ташқари касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида яна 188 та бошқа йўналишдаги лойиҳа юзасидан таклифлар тайёрланмоқда.

**Зиёдулла МЎМИНОВ.**

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Ўз олдингга улкан мақсадларни қўймас экансан, арзимаган натижалар ҳам кўзингга катта ютуқ бўлиб кўринади».**

Демокрит.

## Ҳоким эшиги доимо очиқ

Сирдарё вилояти ҳокимлигида ҳар ҳафтанинг жума кунлари ўтказилаётган «Очиқ эшиклар куни»да тадбиркорлар вилоят ҳокими билан ўзларини қизиқтирган барча масалаларни муҳокама этмоқдалар.

«Очиқ эшиклар куни»да вилоят марказига келиш имконига эга бўлмаган тадбиркорлар учун эса «Skype» орқали ўз талаб ва таклифларини видеоконференция кўринишида юбориш имконияти яратилди. Бунинг учун шикоят ёки таклифлар markaz@sirdaryo.uz электрон почтасига ёки ҳокимликнинг «Skype»dagi sirdaryo.uz манзилига юборилиши зарур.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**

↘ ЛОЙИҲА

## «Роҳат»да яна 1600 киши ишлайди

Пойтахтимизда «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси томонидан Электр жиҳозларини ишлаб чиқариш ва маркетингини юритиш маркази қуриладиган бўлди.

Хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилаётган мазкур лойиҳага 2014-2017 йилларда «Midea» ва «Changhong» компаниялари, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан жами 25 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция йўналтириш кўзда тутилган.

Podrobno.uz сайтининг хабар беришича, ишлаб чиқариш «Роҳат» автосалони яқинида жойлашган «Мотор заводи» ОАЖнинг бўш турган цехларида амалга оширилади. Энг муҳими, бу ерда 1600 та янги иш ўрни ташкил этилади.

Маълумотларга кўра, лойиҳанинг биринчи босқичида (2014-2015 йиллар) завод бинолари ва бир қатор муҳандислик иншоотлари тўлиқ реконструкция қилинади. Шундан кейин 2015-2016 йилларда корхона цехларида «Midea» компанияси ёрдамида музлаткичлар (йилига 300 минг дона), «Changhong» мутахассислари билан биргаликда эса телевизорлар (йилига 500 минг дона) ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, бу ерда алюминий ва пластмассадан тайёрланадиган маҳсулотлар, жумладан, маиший техника қисмларини ишлаб чиқариш, шунингдек, доимий тарзда фаолият кўрсатадиган кўргазма зали, электр техникасига хизмат кўрсатиш ва логистика марказларини ташкил этиш режалаштирилган.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**

Кучли қуйи бўғиндан — кучли партияга

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

15 (543)-сон, 2014 йил 17 апрель, пайшанба

# Янги авлод вакиллари янги куч, демакдир

## 2014 йилнинг январь-март ойларида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги 900 нафар ёш йигит-қиз O`zLiDeP сафида бўлиш истагини билдирди

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»



Айни пайтда асосан деҳқончилик ва боғдорчиликка ихтисослашган мазкур туманда O`zLiDePнинг 1400 нафарга яқин аъзоси бўлиб, улар 28 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган ҳолда фаолият олиб боряптилар. Жойларда ўтказилаётган кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари боис улар сафи сезиларли даражада ортиб бормоқда.

— Яқинда туман кенгашида жорий йилнинг биринчи чораги якунларини таҳлил қилдик, — дейди O`zLiDeP Юқори Чирчиқ туман кенгаши раиси ўринбосари Адолат Қамбарова. — Натижаларимиз ёмон эмас. Ҳудуддаги 20 дан ортиқ корхона ва ташкилотнинг аксарият ходимлари O`zLiDeP аъзоларидир. Туман фермерлар кенгашининг 295, пахта тозалаш заводидан 159, Савдо-саноат палатасига аъзо бўлган тадбиркорларнинг эса 163 нафари O`zLiDePга аъзо бўлдилар. Бундай натижага электорат билан мунтазам иш олиб бораётганимиз, уларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилишга имкон даражасида кўмак бераётганимиз сабаб бўлмоқда. Ютуқларимизнинг яна бир муҳим омили — жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимиз иши сезиларли даражада фаоллашганида. Бугун тумандаги қуйи бўғинларнинг қай бирида бўлманг, кўплаб яхши ташаббуслар айнан БПТлар таклифлари билан юзага келаётганини кўрасиз.

Бугунги кунда Юқори Чирчиқда мингдан ортиқ кичик ва хусусий бизнес субъекти, фермер хўжалиги, саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Қўчқор Ғофуров туман газ таъминотидаги бошланғич ташкилотга етакчилик қиляпти.

— Ташкилотимиз ўз фаолиятини яқинда йўлга қўйган бўлишига қарамай, 150 нафардан ортиқ аъзосига эга, — дейди БПТ раиси биз билан суҳбатда. — Уларнинг аксарияти ҳамкасбларимиздир. Идорамизга кираверишда «O`zLiDeP тумангаз бошланғич партия ташкилоти» деб ёзиб қўйилганининг ўзиёқ турли юмушлар билан келувчи одамларда партиямизга бўлган қизиқишни орттирмоқда. Лекин тан олишимиз керак, ҳозирча партия йўналишида тажрибамиз кам. Шу боис партия туман кенгаши, O`zLiDePдан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари ва вилоят кенгашлари депутатлари билан яқин ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қиляпмиз.

**«БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯ ТАРАФДОРЛАРИ СОНИНИ КЎПАЙТИРИШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРАДИ. ШУ БИЛАН БИРГА ПАРТИЯ ТАРАФДОРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, АЪЗОЛАР ТОМОНИДАН УСТАВ ТАЛАБЛАРИНИНГ СЎЗСИЗ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ».**

O`zLiDeP Уставидан.

Иш режамиздаги вазифалар аниқ масалаларни қамраб олишга қаратилган. Масалан, шу ойда ўтказиладиган йиғилишимиз кун тартибига туманимиздаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласини киритдик. Бу йил ҳудудимиздаги мавжуд коллежларни 3 мингдан зиёд талаба 30 га яқин йўналиш бўйича тугаллайди. Айни пайтда уларнинг бир қисми корхонамизда амалиёт ўтамоқда. Шу муддатда ўзини кўрсата олганларни ишга қабул қилиб, уларга кўмак бериб боришни ўз оталиғимизга олдик.

Айни пайтда бир йиллик партиявий тажрибага эга туман Фермерлар кенгашидаги БПТ фаолияти ҳам ўрнак олса арзигуликдир.

— Аҳолини иш билан таъминлаш O`zLiDeP Дастурида белгиланган асосий вазифалар сирасига киради. Ана шундан келиб чиқиб ўтган йили 100 нафардан ортиқ ёшни фермер хўжаликларида ишлашга жалб этдик, — дейди бошланғич партия ташкилоти раҳбари Шерзод Жўраев. – Аҳамиятли томони шундаки, туманимизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони ортиб бораётгани боис янги иш жойлари ҳам мутаносиб равишда кўпаймоқда. Бундай хўжаликларга, асосан, замонавий техника ва технологиялардан хабардор, тил биладиган ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Ҳисоб-китобларимизга кўра, мавжуд 300 га яқин фермер хўжалигида йил охиригача 1500 нафарга яқин кишини доимий, 4 мингдан зиёдини мавсумий иш билан таъминлаш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, Президентимиз фармонига асосан ажратилган томорқа ерларида ташкил этилган деҳқон хўжаликлари сонини янада ошириш мумкин. Айни пайтда бошланғич ташкилотимиз туманимиз қишлоқларидаги 100 дан ортиқ деҳқон хўжалигига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келмоқда. Йил охиригача уларнинг сонини 150 тага, уларда банд бўлган аҳолини эса 250 нафардан оширишни режалаштирганмиз.

Юқорида таъкидланганидек, туман аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Шу боис O`zLiDeP туман кенгаши уларни катта ҳаётга тўғри йўналтириш, уддабурон, ишбилармон бўлиб етишишлари, ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда туманда мингдан ортиқ кичик ва хусусий бизнес субъектлари фаолият кўрсатаётганини, уларнинг қарийб 60 фоизини O`zLiDePга аъзо ёшлар бошқараётганини ҳисобга олсак, ҳудудда партия ғоялари кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланаётгани аён бўлади.

Партия туман кенгаши ҳам айни пайтда шу мақсад сари интиляпти. Яқинда жойлардаги БПТлар билан келишган ҳолда касб-ҳунар коллежларини тугатаётган ёшларни ишга жойлаштириш бўйича «Бир фермерга — бир ёш мутахассис» ташаббуси билан чиқди. Ушбу ҳаракат кутилганидек якунланса, тумандаги яна 300 нафарга яқин ёш доимий иш ўрнига эга бўлади.

— Энг муҳими, ушбу саъй-ҳаракатимизни фермерлар ҳам тўла маъқуллаяптилар, — дейди Адолат Қамбарова. — Жойлардаги бошланғич ташкилотларимиз эса уни юз фоиз амалга оширишни ўз зиммаларига олишди. Айни пайтда янгидан иш бошлайдиган ёшларнинг энг фаолларини партиямиз сафларига жалб этиш масаласини ҳам атрофлича ўрганиб чиқаяпмиз.

## Мулк масаласи O`zLiDeP учун бирламчи

Нурота туманида ўтказилган йиғилиш хусусий мулк ва унинг ижтимоий ҳимоясига бағишланди. Кичик бизнес вакиллари, фермер ва тадбиркор аёллар иштирок этган учрашувда соҳадаги мавжуд муаммоларни фақат қонун доирасида ҳал этиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришга келишиб олинди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни ўзлаштириб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашида қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, мулоқотда тадбиркор ва фермер аёллар дуч келаётган баъзи муаммоларни O`zLiDeP қуйи бўғинлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ёрдамида ҳал этиш ишлари талаб даражасида эмаслиги тўғрисида сўз юритилди. Бу борадаги ишларни жонлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.



## «Фурқат» муаммоси ҳал этилди

Қизилтепа туманидаги «Фурқат» маҳалласи фаоллари «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий корхонасида иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотига мурожаат қилиб, маҳаллада сув таъминотини янада яхшилаш масаласида ёрдам сўрадилар.

— Ушбу масалани атрофлича ўрганиб чиқиб, юқори партия ташкилоти ва депутатлар муҳокамасига киритдик, — дейди БПТ етакчиси А.Шарипов.

Шундан кейин Навоий вилоят ҳокимлигига хат йўлланди. Натижада тегишли идоралар, хусусан, «Сувоқова» ҳудудий бўлинмаси ҳамда туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан сув таъминотига доир масала ижобий ҳал этилди.

**Маҳфуза РЎЗИЕВА,**
**O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши масъул ходими.**

# Сайловлар муваффақияти ҳаммамизга ва ҳар биримизга боғлиқ

**Маълумки, муҳим сиёсий имтиҳон — сайловлар арафасида партиянинг барча тузилмалари, хусусан, қуйи бўғинлар зиммасига катта масъулият юклатилган. Зеро сайлов натижалари кўп жиҳатдан омма ўртасида олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлигига боғлиқдир.**



Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти шуни назарда тутиб, O`zLiDeP ҳудудий ташкилотлари билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва мазкур жараёнда партия ташкилотлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш масаласи» мавзуида семинар-тренинглар ўтказишни йўлга қўйди.

O`zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши ҳамда институтнинг ҳудудий бўлинмаси томонидан ташкил этилган навбатдаги тадбирда партия фаоллари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали сайловларга пухта ҳозирлик кўриш, таянч тузилмалар ишини такомиллаштириш, қуйи бўғинларнинг электорат билан алоқаларини янада кенгайтириш юзасидан атрофлича фикр юритилди.

— Сайлов натижалари сайлов округлари ва участкаларида ушбу жараённи нечоғлик мувофиқлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқ, деди O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Ф.Аминов. — Шу боис масъулиятли палла арафасида бошланғич ташкилотлар билан сайловчилар ўртасида яқин, ишончли ҳамкорликни вужудга келтиришга ҳаракат қиляпмиз. Негаки, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, депутатликка номзоди кўрсатилган сафдошларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, демократик сайлов қонунчилигига тўла риоя этиш орқалигина кўзланган мақсадларга эришиш мумкин.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари ўринбосари Ж.Болтаевнинг фикрича, сайлов даврида сиёсий партиялар ҳамда ваколатли вакиллик институтлари сиёсий позицияси муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнга O`zLiDePнинг 50 мингга яқин ташаббускор аъзосини кузатувчилик ҳамда вакиллик учун жалб этиш кўзда тутилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида таъкидланганидек, депутатликка ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партиялар сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан вакил тайинлашга ҳақлидир. Шу сингари норма «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонун»га ҳам киритилганлигини таъкидлаш жоиз.

— Қуйи бўғинлар электорат вакиллари, сайловчилар ва партия тузилмалари ўртасидаги ўзига хос кўприкдир, — дея таъкидлади O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ҳ.Бешимов. — Айни кунда вилоятимизда 448 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофига 9745 нафар аъзони бирлаштирган. Шундай экан, партия устави ва дастуридан келиб чиққан ҳолда сиёсий масъуллик янада оширилиши лозим. Сайлов кампанияси даврида ҳар бир сайлов участкасида камида биттадан қуйи бўғин фаолиятини йўлга қўйиш ва улар ёрдамида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш ҳам муҳим вазифаларимиздан биридир.

Семинар-тренингда мавзу юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Б.ИСРОИЛОВ.**

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Кенгаш аҳли бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир».**

ТЕМУР тузукларидан.

# Барқарор ва мустаҳкам банк тизими

**БУТУН ДУНЁДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БАРҚАРОР ВА МУСТАҲКАМ БАНК ТИЗИМИ ҲАМ ЯРАТИЛДИ**




Маълумки, банк тизимига аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ошириш Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, айнан банклар, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари бўлиб, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги бевосита уларнинг самарали фаолиятига боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги банклар ана шундай масъулиятни ҳис этган ҳолда иш олиб бориб, юртимиз иқтисодиётининг том маънодаги етакчи тармоғига айланишга ҳаракат қилмоқдалар. Жаҳон миқёсида юз берган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари ҳали-ҳамон давом этаётган бир пайтда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланаётгани ҳам шундан далолат беряпти.

### ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Айни пайтда банкларнинг капиталлашуви жараёнини чуқурлаштириш, ўзаро соғлом рақобат муҳитида кўрсатилаётган хизматлар кўламининг тобора кенгайиб бораётгани ўз-ўзидан банкларни бир ҳудуд доирасида чекланиб қолмай, халқаро молия бозорларига чиқишларини ҳам тақозо этмоқда. Бундай натижага эришиш учун эса банкларнинг халқаро миқёсда кредитга лаёқатлилик борасида рейтингга эга бўлиши жуда муҳимдир.

Айни пайтда айрим давлатларда банк тизими рейтинглари пасайиб бораётган бир пайтда Президентимиз раҳнамолигида банк тизимини янада ислоҳ этиш борасидаги тизимли ислоҳотлар, қабул қилинган фармон ва қарорлар, кўрсатма ва тавсияларнинг ўз вақтида ижро этилаётгани туфайли мамлакатимиз миллий банк тизими мунтазам равишда «Мудис», «Стандарт энд Пурс», «Фитч Рейтингс» каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори эътирофига сазовор бўлмоқда.

Шу ўринда «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимига тўрт йилдан буён барқарор рейтинг баҳоси берилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилнинг февраль ойида «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш истиқболлари ва «Мудис» баҳолаш мезонлари» мавзуида ўтказилган конференцияда ҳам агентликнинг вице-президенти Ольга Ульянова иштирок этиб, юртимиз банк тизими тўғрисида қуйидаги фикрларни билдирди:

«Албатта, жаҳон молия бозорида ҳали-ҳамон давом этаётган иқтисодий инқироз кўплаб мамлакатларнинг молия-банк тизимига ўз салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу эса ушбу давлатлар банк тизимларининг катта миқдорларда зарар кўриши ёки олаётган фойдасининг бир неча баробарга камайиб кетиши, оқибатда уларнинг капиталлашув даражасининг кескин пасайишига сабаб бўляпти.

Жаҳон молия бозоридаги инқироз эса ташқи қарзларга таяниб қолган давлатлар банк тизимларидаги муаммоларни ҳам яққол намоён этди. Ушбу инқирозлар банк фаолиятида банк назоратининг аҳамиятини кескин ошириб юборди.

Зеро, юз берган инқирозларнинг асосий сабаби — молия бозорларининг самарали назорат қилинмагани, уни ривожлантириш ҳамда уни назорат қилиш тизимида узвийлик таъминланмагани ва изчил бўлмаганлиги, миллий молия институтлари томонидан назорат тизими яратилмай туриб, жаҳон молия бозорига кирганлиги билан боғлиқлиги эндиликда жаҳондаги кўпгина йирик иқтисодчилар томонидан тан олинмоқда.

Шундай бўлиши табиий, албатта. Чунки молиявий-иқтисодий инқироз келиб чиқишининг асосий сабаби ҳам биринчи навбатда кадрлар ва яна кадрлар масаласига боғлиқдир. Яъни, ҳар бир кадр ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлмаса, ўзи етакчилик қилаётган ташкилотни касодга учратади. Бугунги замонавий кадр ҳар томонлама етук, мураккаб вазиятлардан чиқа оладиган, хориж тажрибасини пухта эгаллаган, бошқаларга ҳар томонлама ибрат бўла оладиган, масалани оқилона, етти ўлчаб бир кесиб, ташкилоти учун ҳақиқий фидойи инсон бўлиши лозим.

Турли давлатлар банк тизими фаолиятини мунтазам равишда ўрганиш жараёнида кадрлар масъулиятсизлиги мушкул вазиятларни юзага келтириши маълум бўлмоқда. Оқибатда банк кредит портфелининг деярли ярмидан кўпи муаммоли кредитларга айланяпти. Бундай вазиятда қандай қилиб банк тизими ривожланади? Ахир банклар аҳоли, омонатчиларнинг уларга ишониб топширган маблағларини қайтаришлари шарт эмасми? Бундай саволлардан эса жиддий хулосалар чиқарилиши керак.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида давом этаётган иқтисодий тангликлар таҳлили банк назоратини оқилона бошқариш масаласида Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантириш сиёсатининг тўғри танланганини кўрсатмоқда.

Зеро, Ўзбекистон банк тизими фаолиятига тўрт йилдан буён компаниямиз томонидан барқарор рейтинг баҳоси берилмоқда. Бундай ижобий баҳо олишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Шу ўринда, аввалامбор, тизимни бошқаришда Марказий банк томонидан оқилона ва тўғри йўл танлангани, малакали кадрларни жой-жойига қўйиш, назорат функцияси ва бошқа вазифалар тўлақонли бажарилаётганини алоҳида эътироф этишим керак.

Айни пайтдаги интеграциялашув жараёнида ҳам тижорат банкларида ресурс маблағлари ички манбалар ҳисобидан тўлиқ шакллантирилаётгани, аҳоли томонидан банкларга ишониб топширилган маблағлар бут сақланаётгани, энг муҳими, банклар капиталининг йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияси мустаҳкамланаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Биргина мисол: ўтган йил якунлари бўйича иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ортиб, банкларнинг жами капитали 25 фоизга кўпайган. Банк тизимининг ликвидлиги эса 65 фоиздан зиёдни ташкил этган. Бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар зиёддир.

Бундай натижалар эса банк омонатчилари ва чет эл инвесторларининг мамлакатингиз банк тизимига бўлган ишончи ва қизиқишини янада мустаҳкамлаб, халқаро молия бозорларида банкларнинг мустаҳкам ўрин эгаллаши учун зарурий шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда банк тизими барқарор ва кафолатланганлигини «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги алоҳида эътироф этади».

Банк тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлигини бошқа молия институтлари вакиллари ҳам тасдиқламоқдалар. Ўзбекистонда кўп йиллардан буён иш олиб бораётган Хитой Тараққиёт банкининг президенти жаноб Ху Хуайбанг мамлакатимиз банк тизими фаолияти хусусида шундай дейди:

«Банк тизимининг халқаро молия ташкилотлари билан иқтисодий ҳамкорлик қилишлари учун халқаро рейтинг агентликларининг баҳоси жуда муҳимдир. Чунончи, Ўзбекистон банк тизимига «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг 2010 йилдан буён юқори баҳо бериб келаётгани давлатингиз иқтисодиёти йил сайин тараққий этиб келаётганидан далолатдир.

Шу боис Ўзбекистон банк тизимига халқаро молия институтларининг, шунингдек, хорижий инвесторларнинг ишончи мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон банк тизими билан Хитой банклари ўртасида бир неча йилдан буён иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани ҳам бунинг исботидир.

Шахсан ўзим дунё банклари раҳбарлари, йирик инвесторлар иштирокидаги йиғилишларда кўп қатнашаман. Муҳокамалар жараёнида йирик инвесторлар томонидан Ўзбекистон банк тизими ҳақиқий ишончли ҳамкор, дея эътироф этилаётганидан мамнунман.

Бундай эътироф, шубҳасиз, ҳар бир ўзбекистонлик қалбини ифтихор ва ғururга тўлдиради. Энг муҳими, юқоридагидек баҳолар аҳолининг мамлакат банк тизимига бўлган ишончини тобора оширмоқда. Бу эса, табиийки, банклар имкониятларини янада мустаҳкамлаш баробарида халқ турмуш шароитининг ҳам йил сайин юксалиб боришига хизмат қилади, албатта.

Демак, бугун Ўзбекистон банклари дунёга юз тутмоқда. Ўйлайманки, мамлакатларимиз иқтисодий алоқалари янада мустаҳкамланиб, Ўзбекистон шуҳрати юксалиб бораверади».

### МИЖОЗЛАР БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

«Мустаҳкам, ишончли, барқарор ва кафолатланган». Эндиликда мана шу сифатларни Ўзбекистон банк тизимига ҳеч иккиланмасдан қўллашимиз мумкин. Бундай баҳога лойиқ замонавий банк хизматлари мижозлар сафининг мунтазам кенгайиб боришини таъминловчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Шу ўринда юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари – «BankExpo-2014» Миллий кўргазмасининг ҳам ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимиз банк-молия тизимидаги ютуқларни ўзида мужассам этган мазкур кўргазмада банк тизими мутахассислари ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида самарали мулоқот ўтказиш учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган.

> ***Банклар иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари бўлиб, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги бевосита уларнинг самарали фаолиятига боғлиқдир.***

Жорий йилнинг 9-10 апрель кунлари пойтахтимизнинг кўргазма-савдо уйида бўлиб ўтган еттинчи «BankExpo-2014» анъанавий миллий кўргазмасида 17 мингдан зиёд аҳоли, хусусан, тадбиркорлар ва ёшлар иштирок этди. Ушбу рақамнинг ўзиёқ кўргазманинг нуфузи йилдан-йилга ортиб, жамиятда банкларга бўлган ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганини англатади.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур кўргазма давомида тижорат банклари томонидан замонавий банк технологиялари: масофадан туриб банк хизматларини кўрсатиш, мобайл-банкинг, он-лайн режимида ахборотлар олишда веб-дастурларнинг аҳамияти, тўлов тизимлари каби йўналишлар бўйича тақдимотларнинг ўтказилиши иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Ҳар қандай тадбиркор сармояга таяниб иш бошлайди. Бугунги кунда банкларимиз тадбиркорга яқин кўмакдош бўлиб хизмат қилмоқда. Банклар ёрдамида мулкдор бўляпмиз, ўз маблағимизга эга бўлиб, обрў эътибор қозоняпмиз, — дейди Андижондаги «Белла капитал» корхонаси раҳбари Муҳаббатхон Йўлдошева. — Банкларимизнинг кечагина коллежларни битирган ёшларимизга кўрсатаётган молиявий ёрдамларини олайлик. Кимки «банк мижоз учун» тамойилининг амалдаги ифодасини кўрмоқчи бўлса, Андижонга келиб, банкларимиз иши билан танишсин. Шундай экан, албатта, биз тадбиркорлар ҳам қараб турмай, банкларимиз нуфузи ошишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Иштирокчилар учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида банк мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан турли семинарлар ташкил этилгани эса кўргазма нуфузини янада оширди.

Тадбирда, шунингдек, тижорат банклари томонидан қатор номинациялар эълон қилиниб, ғолибларга 200 дан ортиқ имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда тадбиркорликни молиявий қувватлаш борасида ва етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтинг баҳоларига мунтазам эришиб келаётган ҳамда мазкур кўргазма давомида ўтказилган сўров натижаларига кўра аниқланган тижорат банклари алоҳида номинациялар бўйича тақдирланди.

— «Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк» номинацияси бўйича ғолиб деб топилдик, — дейди «Агробанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Нажибудин Жиянов. — Банкимизга билдирилган ушбу ишончни албатта оқлаймиз. Энг аввало, бизни ана шундай ютуқлар сари бошлаган Марказий банк раҳбариятига алоҳида миннатдорлик билдирамиз. Чунки мана шундай амалий ёрдам банкимиз капиталининг ошиши, мижозларимиз сафининг кенгайиши ҳамда бугунги номинация ғолиби бўлишимизга имкон яратди. Албатта, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш учун мунтазам изланиш керак. Ўйлайманки, ушбу кўргазма банкимиз нуфузининг янада ортишига хизмат қилади.

Банк тизимидаги ижобий ўзгаришларни хорижлик мутахассислар ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар.

«Давлатингиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели» юртингизни бутун дунёга танитди. Айниқса, жаҳонда рўй берган глобал иқтисодий инқироз даврида ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланганини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатингизда замонавий автомашиналар, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилаётгани, юзлаб саноат корхоналарининг фаолият кўрсатаётгани, асосийси, ислоҳотлар инсон манфаати учун хизмат қилаётгани эътиборга моликдир. Энг муҳими, мамлакатингизда катта бойлик — тинчлик ҳукм сурмоқда. Бу эса Ўзбекистон халқининг бахтли ҳаёт кечиришига замин яратмоқда, — дейди кўргазма иштирокчиси, сингапурлик Дорри Шафи. — Бугунги кўргазмада қатнашганимдан жуда хурсандман. Тадбирда мамлакат банк тизимида амалга оширилаётган ишлар билан танишдим. Бир-биридан афзал замонавий хизмат турлари киши эътиборини тортади.

Мижозларга яратилган қулай шароитлар туфайли ўз уйида туриб, бевосита банк билан ҳамкорлик қилиши ёки чет элларда бўлса ҳам ҳисоб рақамидаги маблағларини бошқариши банкларингизни жаҳон талабларига мос равишда фаолият кўрсатаётганидан далолатдир. Банкларингиз ҳақиқатан мижоз манфаати учун ишламоқда. «BankExpo-2014» миллий кўргазмасида ана шундай ишончли ва мустаҳкам банк тизими ишлаётганига яна бир карра гувоҳ бўлдим. Мазкур кўргазмани кўздан кечирарканман, «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» деган ёзувга кўзим тушди. Ҳақиқатан ҳам келажагингиз буюкдир. Кўп давлатларда хизмат сафарларида бўламиз, лекин Ўзбекистон бетакрор юртдир. Унинг нуфузи ҳамиша ортиб бораверсин».

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда бошқа соҳалар қатори банк-молия тизими вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Зеро, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилишни банк тизими ходимлари ўзларининг масъулиятли ва шарафли бурчлари, деб билади.

**Марказий банк маълумотлари асосида тайёрланди.**

## ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**«XXI ASR» ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ**
Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида тўғридан-тўғри мулоқотлар уюштирмоқда.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!
Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга халақит бераётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин.
Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани янада жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

**МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.**

**ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:**
«Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси Абдиваҳоб Тамикаев, АТ «Ипотека банк» бошқаруви раиси Омон Мусаев ҳамда Давлат солиқ қўмитаси, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Микрокредитбанк» ОАТБ раҳбарлари таклиф этилган.

Тўртинчи мулоқот **2014** йилнинг **18** апрелида «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, **73**-А уйда) соат **16.00** да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси Абдиваҳоб Тамикаев жавоб қайтаради.

*Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.*

**Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:**
**(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.**
**(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.**
Электрон почта: **XXI_ASR@mail.ru**

# Наноэҳтиёткорлик

**Тош асрида одамзод арава ғилдирагини кашф этган бўлса, орадан 3,5 минг йил ўтгач унга мотор қўйиб, автомобилга айлантирди. Бир кун келиб ана шу ғилдираклар мисли кўрилмаган ихтироларга асос бўлишини ким ҳам ўйлабди?**

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»



Инсоният ғилдиракнинг оёғини ердан узишга ҳам муваффақ бўлди. Яъни XIX аср охирларида «пўлат қанот»ли самолётлар ясала бошланди. XXI асрда эса оламшумул кашфиётлар шиддатли тарзда ҳаётимизга кириб кела бошлади.

XX аср охирида илм-фан оламида пайдо бўлган нанотехнологиялар фан-техника тараққиётининг навбатдаги босқичига якун ясаш баробарида инсониятнинг келажаги ана шу соҳа билан чамбарчас боғлиқ эканини исботлай бошлади. Олимлар айни пайтда нанотехнологиялар орқали саратон касаллигини ҳам мағлуб этиш мумкинлигига ишонмоқдалар. Яъни, инсон вужудига «тозаловчи» – нанокомпьютерлар киритилиб, организмдаги саратон ҳужайраларига қирон келтириш мумкинлиги айтиляпти.

Тўғри, ҳозирча бу даҳшатли касалликни илк босқичда аниқланган тақдирдагина бутунлай даволаш имкони мавжудлиги таъкидланяпти. Лекин тан олиш керакки, бугунга келиб, ахборот-коммуникация, тиббиёт, экология, энергетика, машинасозлик, самолётсозлик ва космонавтика, табиий бойликларни излаш ҳамда қазиб олиш каби муҳим соҳаларни нанотехнологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Физика, кимё ва биологияни ўзида мужассам этган мазкур соҳанинг афзалликлари айни пайтда барчани бирдек лол қолдиряпти. Хусусан, наносимлар қалинлиги соч толасидан бир неча минг марта ингичка, аммо унинг пўлатдан ўн карра мустаҳкамроқ экани ҳаётимизга наноиндустриянинг шиддат билан кириб келаётганидан далолатдир. Агар келажакда ана шу симлар синтез қилинса, саноат ва техникада оламшумул ўзгаришлар рўй бериши мумкинлиги таъкидланаётир. Бир сўз билан айтганда, нанотехнологиялар билан боғлиқ кашфиётлар фантаст-ёзувчилар асарларидаги рўё эмас, балки фан ютуғига айланди.

Ҳозир минглаб нанокашфиётлар устида иш олиб бораётган олимлар 15 йилдан кейин контактли линзаларнинг интернет билан уланишга ёрдам берадиган янгича турлари пайдо бўлишини эълон қиляптилар. Вашингтон университети профессори Бабак Парвиз эса аллақачон бундай мосламани яратишга киришди. Бу мослама кўриш қобилияти ёмон кишилар кўзига ўрнатилмайди, унинг вазифаси тамоман бошқача. Яъни, у интернетдан фойдаланувчиларнинг кўз олдида виртуал мавжудликни «намойиш этиш»дан иборатдир. Улар ёрдамида қиёфаларни оний тезликда таниб олиш ва чет тиллардаги сўзларни «тушуниш» ҳам мумкин. Айтайлик, сиз Лондон кўчаларида бирон-бир нотаниш кимсадан излаётган манзилингизни сўрадингиз. Табиийки, у ўз она тилида жавоб қайтаради. Овозни танувчи махсус технологиялар эса унинг сўзларини сизга таржима қилиб, матнни кўз олдингизда намоён этади.

Маълумки, атомлар устида тадқиқотлар олиб бориш мумкинлиги тўғрисидаги илк фараз 1704 йилда Исаак Ньютон томонидан илгари сурилган. Машҳур олим ўзининг «Оптиклар» асарида қачондир келажак микроскоплари зарраларнинг сирларини очишига умид қилган эди. 255 йил ўтгач, Ньютоннинг башорати ҳақиқатга айланди.

АҚШда ўтган физик олимлар учрашувида Нобель мукофоти лауреати Ричард Фейнман дунё илм-фани учун тамоман янгилик бўлган шу соҳага тўхталиб, энг кичик зарра ҳисобланувчи атомлар оламига таъсир кўрсатиш мумкин деган фикрни илгари суради. Фейнман ўз назариясида атомларга таъсир кўрсатиш орқали янги технологиялар, ускуна ва роботлар яратиш концепциясини асослашга ҳаракат қилганди ўшанда. Аста-секин ушбу назария ҳам амалиётга кўчиб, кейинги ўн йилликда шиддат билан ривожланди.

Бугунга келиб фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва саноатни янада ривожлантиришга қаратилган нанолойиҳалар учун миллиардлаб маблағ сарфланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Масалан, «RNCOS» эксперт-таҳлил компанияси маълумотларига қараганда, ўтган йили жаҳон бозоридаги нанотехнологиялар айланмаси 1,6 триллион АҚШ долларига етган. Хусусан, 2012 йили Америка Қўшма Штатларида федерал бюджетдан соҳа ривожига қаратилган миллий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун 2,1 миллиард доллар сармоя йўналтирилган. Умуман олганда, кейинги ўн йилда мазкур соҳага 17 миллиард долларга яқин маблағ сарфланганини қайд этиш жоиз. Миллиардлаб маблағлар эвазига расман рўйхатга олинган патентлар сони ҳам ортиб, соҳада ғайритабиий наноихтиролар яратилаётир. Бундай «пойга»дан Япония, Хитой, Жанубий Корея, Тайвань ва Европа иттифоқи мамлакатлари ҳам ортда қолмаяптилар.

Ҳар йили жаҳон миқёсида ушбу соҳада 1000 га яқин илмий иш олиб борилаётганини, янгиликлар яратиш борасида 16 мингта илмий иш тайёрлаган АҚШ бу йўналишда етакчи эканини ҳам айтиш мумкин. Ундан кейинги ўринларни Япония, Хитой ва Европа мамлакатлари эгаллаган. Осиё минтақасида эса Япониянинг бирмунча илгарилаб кетгани ҳеч кимга сир эмас. Бугун япон олимлари томонидан наносаноатнинг турли тармоқларга жадал олиб кирилаётгани мамлакат миллий иқтисодиётига миллиардлаб маблағларни олиб келмоқда. Сўнгги йилларда Кунчиқар юртнинг бир гуруҳ мутахассислари нанороботларни яратишга қаттиқ бел боғладилар. Уларнинг фикрича, нанороботлар ясаш ғояси амалга ошса, инсоният ҳаётида янги давр очилиши мумкин. Япониянинг Сукуба шаҳридаги Миллий институт тадқиқотчилари томонидан эса инсон мияси сингари ишлайдиган наножисм ихтиро қилингани ҳам юқоридагидек фикрларнинг пуч эмаслигини исботламоқда.

Хитойда ҳам ушбу соҳага эътибор юқори. Биргина 2001-2005 йилларда изланишлар учун 300 млн. АҚШ доллари ажратилгач, мамлакатда патентлар сони кескин ортди ва Чин юрти бу борада дунёнинг учинчи мамлакатига айланди. Шу ўринда ҳукуматларга нисбатан йирик корпорацияларнинг «митти технологиялар»га қизиқиши йил сайин ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, Шимолий Америка мамлакатларида бугунга келиб наносаноат ривожи учун ҳукуматга нисбатан корпорациялар кўпроқ маблағ ажратмоқда. Таҳлилчиларнинг фикрича, бу миқдор 1,6 млрд. дан 1,7 млрд. га ортган. Осиёда эса ушбу кўрсаткич 1,4 млрд. дан 1,6 млрд. га, Европада 650 млн. дан 1,3 млрд. га кўпайган.

Бу жаҳон миқёсида нанокомпаниялар сонининг йил сайин ортиб бораётганини кўрсатади, албатта. Баъзи маълумотларга қараганда, ана шундай компаниялар сони дунё миқёсида 20 мингта яқинлашган. Кўриниб турибдики, наносаноат Ер юзининг ҳар бир нуқтасида бирдек ривожланяпти.

Нанотехнологиялар тиббиёт соҳасида ҳам муҳим кашфиётларга йўл очмоқда. Шу кунларда жаҳоннинг етакчи илм-фан марказларида бу йўналишда яратилган дори капсулалари ва шприцлар синовдан ўтаётир. Дори нанокапсулаларининг афзаллиги шундаки, улар тананинг фақат касалланган ҳужайрасига етиб боради. Нанотехнологиялар ишлаб чиқариш соҳаларига ҳам кенг татбиқ этилмоқда. Масалан, кўпгина ривожланган давлатларда маҳсулот сифатини яхшилаш учун наноматериаллар қўлланилаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, микробга қарши воситаларда ўз-ўзидан тозаланадиган матолар айнан наноматериаллар асосида яратилмоқда. Ёки протезлар тайёрлашда унинг бирикиш жойлари наноўлчамли кумуш зарралар билан қопланаётганини айтиш мумкин. Нанотехнологияларнинг изчил ривожланиши келгусида тиббиётни янада тараққий эттиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Натижада касалликларни клиник симптомлар юзага чиқишдан олдин аниқлаш ва уни илк босқичлардаёқ безарар усуллар асосида даволаш мумкин бўлади.

Кези келганда мазкур соҳа муваффақиятларини таъкидлаш баробарида унинг салбий оқибатлари ҳақида турли қарашлар, фикрлар мавжудлигини унутмаслик лозим. Масалан, айрим Ғарб мамлакатларида наноматериалларнинг атроф-муҳит, инсон саломатлигига зарари хусусида кўплаб мулоҳазалар илгари суриляпти. Ҳатто айрим манбаларда нанотехнология XXI асрда инсониятни кутилмаган вазиятларга дучор этиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Гап шундаки, саноат соҳасида кенг фойдаланилаётган наноматериалларнинг миттигина наноқисмлари ҳали етарлича ўрганилмагани инсоният бошига қўшимча «наноташвиш»лар ёғдириши ҳам мумкин. Узоққа бормайлик. Бир вақтлар тинчлик ўрнатиш ниқоби остида инсон ақлу заковатининг юксак маҳсули бўлган атом технологиялари яратилган эди. Бугун эса у Ер юзидаги энг хавфли қуролга айланди. Гарчи ўрганиб қолганимиз — автомобиллар оммавий ҳаракат воситаси сифатида инсон оғирини енгил қилаётган бўлса-да, у атроф-муҳитни булғаб, глобал миқёсда экологик хавф туғдирмоқда.

Мутахассислар нанотехнологиялар ютуғидан ҳарбий соҳада фойдаланишга интилишнинг кучайиб бораётганидан хавотирга тушмоқдалар. Ана шу омил ядросиз дунё орзуси қачон ушалади, деган саволни яна бир бор жаҳон ҳамжамияти олдига кўндаланг қилиб қўяётган бўлса, ажаб эмас.

Мухтасар айтганда, XXI асрга келиб наномускул, нанооввқат, наноқувур, нанокийим каби атамалар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланмоқда. Чунки нанотехнология натижалари кейинги йилларда ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Зеро, янги фаннинг нозик жиҳатлари чуқур ўрганилса, асло фойдадан холи бўлмаслигини замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Лекин «митти технология»лар соҳасида башариятни келажакда нималар кутаётганини фақат олий ҳакам — вақт кўрсатади.

***«Митти технология»лар соҳасида башариятни келажакда нималар кутаётганини фақат олий ҳакам — вақт кўрсатади.***

ЭЪЛОН

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ТУРАН КИМЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИ ФИЛИАЛИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 15 апрелдаги 32-П сонли буйруғи ва Элликқалъа тумани ҳокимининг 2014 йил 5 апрелдаги 192/4-сонли қарорига асосан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа туманидан 401 (тўрт юз бир) дона ер участкаси қўйилмоқда.**

1. «Тоза боғ» овули, «Қизилярмой» аҳоли пункти, 658-контуридан 11,12,13,14,15,16,17,18,19,20-сонли ер участкалари.
2. «Тоза боғ» овули, «Қизилярмой» аҳоли пункти, 537,538-контурларидан 24,25,26,27, 28,29,30,31,32,33-сонли ер участкалари.
3. «Тоза боғ» овули, «Қизилярмой» аҳоли пункти, 629-контуридан 29,30-сонли ер участкалари.
4. «Тоза боғ» овули, «Маданият» аҳоли пункти, 294-контуридан 31,32,33-сонли ер участкалари.
5. «Тоза боғ» овули, «Маданият» аҳоли пункти, 233-контуридан 34-сонли ер участкаси.
6. «Тоза боғ» овули, «Маданият» аҳоли пункти, 137-контуридан 35,36,37-сонли ер участкалари.
7. «Тоза боғ» овули, «Махтимқули» аҳоли пункти, 852-контуридан 12,13,14,15,16,17,18,19-сонли ер участкалари.
8. «Тоза боғ» овули, «Махтимқули» аҳоли пункти, 405-контуридан 31-сонли ер участкаси.
9. «Тоза боғ» овули, «Махтимқули» аҳоли пункти, 421-контуридан 32-сонли ер участкаси.
10. «Тоза боғ» овули, «Махтимкули» аҳоли пункти, 407-контуридан 33-сонли ер участкаси.
11. «Тоза боғ» овули, «Махтимқули» аҳоли пункти, 423-контуридан 34-сонли ер участкаси.
12. «Тоза боғ» овули, «Халқобод» аҳоли пункти, 1068,1069-контурларидан 5,6,7,8,9,10-сонли ер участкалари.
13. «Тоза боғ» овули, «Халқобод» аҳоли пункти, 697-контуридан 12,13,14,15,16-сонли ер участкалари.
14. «Тоза боғ» овули, «Халқобод» аҳоли пункти, 1065-контуридан 17,18,19,20,21,22,23,24,25,26-сонли ер участкалари.
15. «Тоза боғ» овули, «Жеткеншек» аҳоли пункти, 1090-контуридан 12-сонли ер участкаси.
16. «Тоза боғ» овули, «Жеткеншек» аҳоли пункти, 1013-контуридан 13,14,15,16-сонли ер участкаси.
17. «Навоий» овули, «Қоракўл» аҳоли пункти, 1399-контуридан 106,107,108,109,110,111,112,113,114,115,116,117,118,119,120,121,122,123,124,125,126,127,128,129,130,131,132,133,134,135,136-сонли ер участкалари.
18. «Навоий» овули, «Қоракўл» аҳоли пункти, 1405-контуридан 172,173,174,175,176,177,178,179,180-сонли ер участкалари.
19. «Навоий» овули, «Боғёп» аҳоли пункти, 539-контуридан 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11-сонли ер участкалари.
20. «Навоий» овули, «Боғёп» аҳоли пункти, 335-контуридан 12-сонли ер участкаси.
21. «Навоий» овули, «Боғёп» аҳоли пункти, 350-контуридан 13-сонли ер участкаси.
22. «Навоий» овули, «Ўзбекистон» аҳоли пункти, 1179-контуридан 21,22-сонли ер участкалари.
23. «Навоий» овули, «Ўзбекистон» аҳоли пункти, 1172-контуридан 24,25-сонли ер участкалари.
24. «Навоий» овули, «Ўзбекистон» аҳоли пункти, 1221-контуридан 28,29,30-сонли ер участкалари.
25. «Навоий» овули, «Аширтом» аҳоли пункти, 246-контуридан 1,2-сонли ер участкалари.
26. «Навоий» овули, «Ғишт заводи» аҳоли пункти, 602-контуридан 14,15,16,17,18,19,20,21,22,23-сонли ер участкалари.
27. «Навоий» овули, «Ғишт заводи» аҳоли пункти, 586-контуридан 26,27-сонли ер участкалари.
28. «Навоий» овули, «Навоий» аҳоли пункти, 1778-контуридан 8,9,10-сонли ер участкалари.
29. «Амиробод» овули, «Коинот» аҳоли пункти, 201-контуридан 22,23,24,25,26,27,28,33,34,35-сонли ер участкалари.
30. «Амиробод» овули, «Тўртдевор» аҳоли пункти, 121-контуридан 13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24-сонли ер участкалари.
31. «Амиробод» овули, «Тўртдевор» аҳоли пункти, 79-контуридан 25,26,27,28-сонли ер участкалари.
32. «Амиробод» овули, «Туртдевор» аҳоли пункти, 108-контуридан 29,30,31,32,33,34,35,36-сонли ер участкалари.
33. «Амиробод» овули, «Баракат» аҳоли пункти, 571,606-контурларидан 5,6,7,8-сонли ер участкалари.
34. «Амиробод» овули, «Амиробод» аҳоли пункти, 745-контуридан 9,10-сонли ер участкалари.
35. «Элликқалъа» овули, «Пахтакор» аҳоли пункти, 1300-контуридан 43,44,45,46,47,48,49,50,51,52,53,54,55,56,57,58,59,60,61,62,63,64,65,66,67,68,69,70, 71,72,73,74,75,76,77,78,79,80,81,82,83,84,85,86,87,88,89,90-сонли ер участкалари.
36. «Элликқалъа» овули, «Пахтакор» аҳоли пункти, 1416-контуридан 91,92,93,94,95,96,97,98,99,100,101,102,103,104,105,106,107,108,109,110-сонли ер участкалари.
37. «Элликқалъа» овули, «Пахтакор» аҳоли пункти, 1372-контуридан 111-сонли ер участкаси.
38. «Элликқалъа» овули, «Пахтакор» аҳоли пункти, 1380-контуридан 112-сонли ер участкаси.
39. «Элликқалъа» овули, «Пахтакор» аҳоли пункти, 1386-контуридан 113-сонли ер участкаси.
40. «Элликқалъа» овули, «Пахтакор» аҳоли пункти, 1387-контуридан 114-сонли ер участкаси.
41. «Элликқалъа» овули, «Қаватқалъа» аҳоли пункти, 859,895-контурларидан 1,2,3,4,5-сонли ер участкалари.
42. «Элликқалъа» овули, «Элликқалъа» аҳоли пункти, 1603,1604-контурларидан 56,57,58,59,60,61,62,63,64,65,66,67,68,69,70,71,72,73,74,75,76-сонли ер участкалари.
43. «Элликқалъа» овули, «Элликқалъа» аҳоли пункти, 1693-контуридан 77,78,79,80,81,82,83,84,85,86,87,88-сонли ер участкалари.
44. «Элликқалъа» овули, «Чайка» аҳоли пункти, 76-контуридан 36,37,38,39,40,41-сонли ер участкалари.
45. «Элликқалъа» овули, «Чайка» аҳоли пункти, 86-контуридан 42,43,44,45,46,47-сонли ер участкалари.
46. «Элликқалъа» овули, «Чайка» аҳоли пункти, 88-контуридан 48-сонли ер участкаси. Ушбу ер участкаларининг майдони 400 кв.м бўлиб ҳар бирининг бошланғич баҳоси 22 080 сўм.
47. Ойбек кўчаси, 70-кварталидан 4,6,8,10,12-сонли ер участкалари.
48. Улуғбек маҳалласи, 98-кварталидан 1-сонли ер участкаси.
49. Қаватқалъа маҳалласи, 8-кварталидан 8,18-сонли ер участкалари.
50. Қаватқалъа маҳалласи, 10-кварталидан 3,5-сонли ер участкалари.
51. Қаватқалъа маҳалласи, 11-кварталидан 2,4,6,8,9,11,13,15,17-сонли ер участкалари.
52. Қаватқалъа маҳалласи 12-кварталидан 5,6,7,8,9,10-сонли ер участкалари.
53. Қаватқалъа маҳалласи, 13-кварталидан 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25,26,27,28-сонли ер участкалари.
54. 1-кичик туман кўчасидан 14а,16а,18а-сонли ер участкалари.
55. Истиқлол кўчаси, 87-кварталидан 11-сонли ер участкаси.
56. Истиқлол кўчаси, 86-кварталидан 2,4,6,8,10,12-сонли ер участкалари.
57. Зарафшон кўчаси, 129-кварталидан 28,30,32,34,36,38-сонли ер участкалари. Бўстон шаҳридаги ушбу ер участкаларининг ер майдони 400 кв.м бўлиб, бошланғич баҳоси 56 640 сўм.
58. «Сарибий» овули, «Сарибий» аҳоли пункти, 515-контуридан 15,17,19-сонли ер участкалари.
59. «Сарибий» овули, «Сарибий» аҳоли пункти, 444-контуридан 1,2,3,4,5,6,7,8-сонли ер участкалари.
60. «Сарибий» овули, «Думанқалъа» аҳоли пункти, 54-контуридан 25,27,29,31,33,35,37,39-сонли ер участкалари.
61. «Сарибий» овули, «Уйсаланг2» аҳоли пункти, 106-контуридан 11,12,13,14,15,16-сонли ер участкалари.

Ушбу ер участкаларининг майдони 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 22 080 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 19 май куни соат 11.00 да Элликқалъа тумани ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади. Буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 17 май куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мазкур ер участкалари 2013 йил 19 май куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 3 июль, 3 август, 3 сентябрь, 3 октябрь, 4 ноябрь ва 3 декабрь кунлари соат 11.00 да Элликқалъа тумани ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдолар бўйича буюртманомаларни қабул қилиш 2014 йил 2 июль, 1 август, 2 сентябрь, 2 октябрь, 3 ноябрь ва 2 декабрь кунлари соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда маркетинг ва маслаҳат-консалтинг хизматлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1/2 бўлаги миқдорида қўшимча тўловлар тўланади ва тузиладиган закалат келишувига асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдорида закалат пулини «Турон банк» Нукус шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 9047 9270 1001, МФО 00585, СТИР 301273292.

Ғолибга савдо кунидан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдосини ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

— Ўзбекистон Республикаси фуқоралари – паспорт нусхаси;
— хорижлик юридик шахслар – уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси, таъсисчилар рўйхати ва уставининг белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
— хорижлик фуқаролар – чет давлатнинг миллий ёки дипломатик паспорти;
— Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар – яшаш гувоҳномасининг нусхаси;
— закалат пулини тўлаганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил:**
**Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани, Бўстон шаҳри, И.Аллабергенов кўчаси, 5-уй.**
**Телефон: (8-361) 222-00-84, 714-35-25. web-sayt: Turankzs.kr.uz. Лицензия: 0041.**

ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

**«Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖ объектнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**
I. МТП МЧЖ «Ромитан Агротехсервис»га тегишли давлат рақами 80/582 бўлган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган «Дамас VAN» русумли автотранспорт воситаси **(бошланғич баҳоси – 20 600 000 сўм).**
II. Бухоро вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига тегишли давлат рақами 20 AI 841 бўлган, 1991 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-53» русумли **(бошланғич баҳоси – 4 475 619 сўм)** ва давлат рақами 20 AD 408 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «DAMAS СНГ» русумли автотранспорт воситаси **(бошланғич баҳоси – 5 277 424 сўм).**
Аукцион савдоси 2014 йил 19 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.
Юқоридаги мулклар 2014 йил 19 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 26 май, 2 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.
Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖнинг Халқ банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000405017774001, МФО: 00116, ИНН: 302485226.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (8365)221-54-43. Хизматлар лицензияланган




XASR I
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2014 йил учун
ОБУНА
давом этмоқда!

Мурожаат учун телефон:
(8 371) 215-63-80.

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

# СЎНГГИ САҲИФА




## «Қишлоқ қурилиш банк» яна ғолиб. Чунки...

ТАҲЛИЛЧИЛАР ЮРТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ ЯНГИЛАНИШЛАРНИ БАНК МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ ЭКАНИНИ БЕЖИЗ ТАЪКИДЛАМАЯПТИЛАР

Жумладан, «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик-тижорат банки ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, молия бозоридаги мавқеини тобора мустаҳкамламоқда. Мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва маданиятини ошириш бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

Аввал хабар қилинганидек, жорий йилнинг февраль-март ойларида «BANK EXPO» VII миллий кўргазмаси доирасида танлов эълон қилинган бўлиб, унга сут ва сут маҳсулотлари, тикувчилик ва тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш, қадоқлаш учун пластмасса идишлар тайёрлаш, миллий ҳунармандчилик, хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид 500 дан ортиқ лойиҳа тақдим этилган эди. Улар орасида энг саралари танлаб олинди ва совриндорлар аниқланиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Умуман, «BANK EXPO» VII миллий кўргазмаси «Қишлоқ қурилиш банк» жамоаси учун ҳам ўзига хос имтиҳон бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, кўргазма натижаларига кўра, ушбу банк учинчи маротаба «Қишлоқ фаровонлигига қўшаётган ҳиссаси учун» номинацияси, қолаверса, омонатлар, кредитлар, банк-сервис хизмати, ишончли ҳамкор ва оммабоп банк номинациялари бўйича 8 мингга яқин овоз тўплаб, ғолибликка эришди.

**Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.**

БУ — ҚИЗИҚ!



### Газли сувнинг эгаси ким?

Чанқовбости ичимликлар орасида энг кўп истеъмол қилинадиган газли сув бундан 200 йил муқаддам британиялик кимёгар Жозеф Пристли томонидан кашф этилган. Ўта қизиқувчан олим кунларнинг бирида бочкадаги ачитқи юзидаги пуфакчаларнинг ҳаракатини узоқ кузатиб, улар ичида газ борлиги ва унинг сувда парчаланиши мумкинлигини синаб кўради. Ушбу тажриба инсониятга энг кўп наф келтирадиган ихтиронинг юзага келишига сабаб бўлади ва 1767 йилдан газли сув ишлаб чиқарила бошланади.

### Сақич чайнаш — жиноят

Сингапурда жамоат жойларини тоза ва озода сақлашнинг кўплаб усулларидан фойдаланилмоқда. Масалан, 1992 йилдан бошлаб мамлакатга резинали сақич олиб кириш ва сотиш тақиқланган бўлиб, у контрабанда ҳисобланади.



### Тескарисига ағдарилган кашфиёт

Андерс Цельсиус (Цельсий) ҳароратни ўлчаш шкаласини кашф этганида ноль даражани сув қайнайдиган, 100 даражани эса музлайдиган ҳарорат, дея белгилаган эди. Аммо швециялик шифокор Карл Ленний унинг вафотидан кейин бу қоидани тескарисига ағдаришни таклиф этганида кўпчиликка маъқул келди ва бу усул ҳозиргача амалда қўлланилмоқда.




Мана, ниҳоят кучли эсган шамоллар, момақалдироқ аралаш серёғин кунлардан кейин мамлакатимизга илиқ об-ҳаво оқими кириб келди. Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, ҳафта давомида ёғингарчилик кутилмайди, ҳарорат ўртача 22-27 даражага кўтарилади. Тоғларда қор кўчиши хавфи бор. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Республикамизнинг энг иссиқ ҳудудлари ҳисобланган Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 8-13 даража илиқ, кундузи 25-30 даража иссиқ атрофида бўлиши кутиляпти. Пойтахтимиз ва бошқа ҳудудларда термометр миллари тунда +7-12, кундузлари 22-27 даража иссиқни кўрсатади. Тоғли жойларда ҳарорат ўзгарувчан бўлса-да, ёғингарчилик кутилмайди. 17-18 апрель кунлари 2000 метрдан баланд ҳудудларда қор кўчиши хавфи бор. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузлари эса 11-16 даражага кўтарилиши мумкин.

### Европага Урганч орқали учиш мумкин




«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури» асосида бир нечта янги йўналишни ишга туширмоқчи. Ишончли манбалардан олинган хабарларга кўра, 2015 йилнинг 25 мартидан компания томонидан Тошкент-Урганч-Вена-Тошкент авиарейси йўлга қўйилса, 28 мартдан бошлаб, йўловчилар Тошкент-Мюнхен-Урганч-Тошкент йўналишидан фойдаланиш имконига эга бўладилар. 2015 йилнинг 19 апрелидан эса икки ҳафтада бир марта Тошкент-Париж-Урганч-Тошкент авиақатнови йўлга қўйилади. Бундан ташқари, 2015 йилнинг ёзги мавсумидан Урганч-Бухоро-Урганч йўналишига қўшимча равишда яна учта рейс қўшилиши кутилмоқда.

### «Қуёш кемаси» ишончни оқлармикан?



Швейцарияда ёнилғисиз парвоз қиладиган, яъни қуёшдан қувват олиб учадиган янги самолёт тақдимоти бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоиз: мазкур ҳаво кемаси «Solar Impulse» лойиҳаси бўйича яратилган иккинчи прототип бўлиб, аввалгисидан бироз каттароқдир. Самолётнинг минглаб қуёшдан энергия олувчи ойначалар билан қопланган моноқанотининг узунлиги 72 метрга тенг. Эътиборлиси, бу кўрсаткич «А380» аэробусникидан бор-йўғи 7 метр камроқдир. Вазни 2,3 тоннани ташкил этадиган қуёш кемаси ҳавога тўртта двигатель ёрдамида кўтарилади.

— Дунё бўйлаб парвоз қиладиган иккинчи прототипимиз исталган об-ҳаво шароитида, хусусан, булутлар орасида ҳам ҳаракатлана олади, – деди лойиҳа таъсисчиларидан бири Андре Боршберг. — Зеро, биринчи самолётимизнинг парвозлари ноқулай об-ҳаво шароитлари сабабли кейинга қолдирилган эди.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг май ойидан бошлаб самолёт синовдан ўтказилади. Швейцария-Ҳиндистон-Мьянма-Хитой-Тинч океани орқали АҚШ-Атлантика океани орқали Европа ёки Шимолий Африка-Швейцария йўналиши бўйлаб амалга ошириладиган дунё саёҳатини эса 2015 йилнинг мартида бошлаш кўзда тутилган.

Шу ўринда Лозанна политехника мактаби томонидан ишлаб чиқилган, аммо у даражада катта масофаларни босиб ўта олмаган бу турдаги биринчи самолёт илк марта 2010 йилнинг апрелида ҳавога кўтарилган бўлиб, 2011 йилда халқаро (Швейцария-Бельгия-Франция), 2012 йилда эса қитъалараро (Швейцария-Марокаш) парвозларни амалга оширганини айтиш лозим. 2013 йилда «Boeing-747» юк ҳаво кемаси бортида Атлантика океанидан олиб ўтилган «Solar Impulse-1» АҚШ бўйлаб саёҳат қилган. Иккинчи прототипга океанни ўз кучи, аниқроғи, қуёш энергиясига таянган ҳолда кесиб ўтиш вазифаси юкланмоқда.

**Ш.ХЎЖАЕВ.**

### Самарқандда янги станция қурилади

«Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси мутасаддилари Миллий матбуот марказида ташкил этилган навбатдаги анжуманда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи — электр энергетикаси соҳасида амалга оширилаётганислоҳотлар, инвестицион дастурларни амалга ошириш масалалари хусусида журналистларга атрофлича маълумот бердилар.

Тадбирда 2013 йили инвестициявий лойиҳалар доирасида Янги Ангрен ИЭС, «Ангрен шакар заводи» кичик станцияси, Чорвоқ ГЭС каби 14 та объектда реконструкция ҳамда модернизация ишлари олиб борилгани, айни пайтда эса компания томонидан Тошкент, Таллимаржон, Навоий иссиқлик электр станциялари ва Тошкент иссиқлик электр марказида умумий қуввати 1775 мегаватт бўлган буғ-газ ва газ турбинали қурилмаларини ўрнатиш, шунингдек, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида янги иссиқлик электр станциясини қуриш ҳамда Самарқанд вилоятида қуёшли фотоэлектр станциясини барпо этиш устида иш олиб борилаётгани қайд этилди.

— 2015 йилга қадар умумий қиймати 8 миллиард АҚШ долларига тенг 40 дан ортиқ лойиҳани амалга оширишни режалаштирганмиз, — деди «Ўзбекэнерго» ДАК мутахассиси Абдулла Аҳмедов. — Мазкур лойиҳаларнинг аксарияти буғ-газ қурилмалари асосида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш, ёқилғи-энергетика балансида қаттиқ ёқилғи ва гидроэнергоресурслар улушини ошириш, таянч кичик станциялар ва тизимлараро электр узатиш линиялари қурилишига йўналтирилган.

Тадбирда, шунингдек, ўтган йилнинг ўзида компания тизимидаги корхоналарда асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳисобига 1600 тадан ортиқ янги иш ўрни яратилгани таъкидланди.

**Рисолат МАДИЕВА.**

## 2014 ЙИЛ — «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»




### Билимдон болалар баҳси

«Камалак билимдонлари» республика танловининг Қашқадарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда барча туман ва шаҳарлардан 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ташкилот аъзолари тегишли шартлар бўйича беллашди. Ғолиблик Шаҳрисабз туманидаги 1-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг «Парвоз» жамоасига насиб этди. Қарши шаҳрининг «Янги авлод» жамоаси иккинчи, Чироқчи туманининг «Президент фарзандлари» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

### Бухороликлар учун яна бир шаҳарча

Бухоро шаҳрининг Абдухолиқ Ғиждувоний, Ибн Сино ва бошқа йирик кўчалари билан туташган ҳудудида янги йирик турар-жой мавзеси барпо этиладиган бўлди.

Вилоят ҳокимлиги мутасаддиларининг хабар беришича, митти туман илгари собиқ «Бухоро ёғ-экстракция заводи»га тегишли бўлган, бир неча йилдан бери қаровсиз ҳолатда шаҳар ҳуснини бузиб турган ҳудудда қад ростлайди.

— Умумий майдони 13,4 гектарни ташкил этадиган бу мавзеда жами 478 та хонадондан иборат 53 та замонавий уй қурилади, — дейди лойиҳа муаллифи, «Бухороқурилишлойиҳа» институти бош архитектори Маҳмуд Аҳмедов. — Бинолар шаҳарнинг иқлим шароити, халқимизнинг миллий анъаналари ва турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ икки ва уч қаватли қилиб бунёд этилади. Улар 116 та бир хонали, 54 та икки хонали, 208 та уч хонали, 60 та беш хонали ва 40 та олти хонали хонадонлардан таркиб топади. Турар-жойлар атрофида гулзорлар, савдо ва маиший хизмат объектлари, болалар майдончалари ҳамда спорт иншоотлари барпо этилади.

БИР ҲОВУЧ ДУР

**«Аҳмоқ учун кексалик — оғир юк бўлса, жоҳил учун — қиш, илмли одам учун баракали ҳосилни йиғиб олиш давридир».**

Вольтер.

РЕКЛАМА




SARDOR AVTO INVEST
Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИРИЯТ:** Темур АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шаҳзод НАЗАРОВ, Озод РАЖАБОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ХЎЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ.

**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй. **ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, xxi_asr@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 9681 **Тираж:** 17327
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: **Ш.ХЎЖАЕВ, С.ЗОИРОВ.**